Особое значение экспрессия VDR приобретает в спортивной медицине. Высокая плотность рецепторов выявлена в скелетной мышечной ткани, преимущественно в быстрых мышечных волокнах II типа, обеспечивающих развитие максимальной силы, мощности и скоростно-силовых качеств. Кроме того, рецепторы обнаружены в клетках сухожилий, связочного аппарата, суставного хряща и костной ткани, что подтверждает непосредственное участие витамина D в поддержании структурной целостности опорно-двигательной системы спортсменов.

Геномный механизм действия витамина D. Основной путь реализации эффектов кальцитриола осуществляется посредством геномного механизма. После проникновения в клетку активная форма витамина D связывается с цитоплазматическим или ядерным рецептором VDR, вызывая конформационные изменения белка. Далее активированный VDR образует гетеродимер с рецептором ретиноевой кислоты X (Retinoid X Receptor, RXR). Комплекс VDR–RXR транслоцируется в ядро клетки и взаимодействует со специфическими последовательностями ДНК — Vitamin D Response Elements (VDRE) [2,3,19], расположенными в промоторных областях генов-мишеней.

Связывание комплекса с VDRE инициирует рекрутирование многочисленных коактиваторов и корепрессоров транскрипции, включая белки семейства SRC (Steroid Receptor Coactivators), CBP/p300, DRIP/Mediator и другие регуляторные комплексы. Эти взаимодействия сопровождаются модификацией структуры хроматина посредством ацетилирования и метилирования гистонов, что облегчает или, наоборот, подавляет доступ транскрипционного аппарата к определенным участкам ДНК. Таким образом, витамин D оказывает выраженное эпигенетическое действие, регулируя активность генов без изменения их нуклеотидной последовательности.

По данным современных транскриптомных исследований, кальцитриол способен прямо или косвенно регулировать экспрессию более 1000 генов, контролирующих процессы клеточного цикла, синтеза белков, энергетического обмена, иммунного ответа, ангиогенеза, окислительно-восстановительного баланса и репарации тканей. Масштаб геномного влияния витамина D объясняет его многочисленные физиологические эффекты и особую значимость для спортсменов, испытывающих постоянные адаптационные нагрузки.

Регуляция мышечной адаптации. Одним из наиболее важных направлений действия комплекса VDR–RXR является регуляция генов, обеспечивающих рост и функциональную адаптацию скелетной мускулатуры. Под влиянием кальцитриола активируется экспрессия MyoD, Myogenin (MYOG), IGF-1, MEF2 и других факторов миогенеза, стимулирующих дифференцировку миобластов и образование зрелых мышечных волокон. Одновременно подавляется экспрессия гена MSTN (миостатина) — отрицательного регулятора мышечного роста, ограничивающего гипертрофию мышечной ткани [5,6,8,17].

Дополнительно витамин D способствует увеличению синтеза структурных белков саркомера, улучшает функционирование кальциевых каналов саркоплазматического ретикулума, поддерживает митохондриальный биогенез и повышает эффективность окислительного фосфорилирования. Эти эффекты обеспечивают более экономичное использование энергетических ресурсов во время интенсивных физических нагрузок и ускоряют восстановление после тренировок.

Регуляция процессов воспаления и восстановления тканей. Физические нагрузки высокой интенсивности сопровождаются микроповреждением мышечной ткани и развитием контролируемой воспалительной реакции, необходимой для последующей адаптации. В этих условиях витамин D выполняет функцию одного из ключевых иммуномодуляторов.

Через рецептор VDR происходит ингибирование сигнального пути NF-κB, сопровождающееся снижением продукции провоспалительных цитокинов TNF-α, IL-1β, IL-6, IL-17 и интерферона-γ. Одновременно усиливается синтез противовоспалительных медиаторов, прежде всего IL-10, а также увеличивается количество регуляторных Т-лимфоцитов (Treg), ограничивающих чрезмерное воспаление. Подобное иммуномодулирующее действие способствует более быстрому разрешению воспалительной реакции после тренировок и уменьшает выраженность вторичного повреждения тканей.

Особую роль витамин D играет в процессах регенерации. Через регуляцию факторов роста VEGF, TGF-β, FGF, а также матриксных металлопротеиназ (MMP-2, MMP-9) и их тканевых ингибиторов (TIMP) обеспечивается координация процессов ангиогенеза, ремоделирования внеклеточного матрикса и восстановления поврежденных мышечных, сухожильных и костных структур. Эти механизмы имеют принципиальное значение для сокращения сроков реабилитации спортсменов после травм.

Негеномные эффекты витамина D. Помимо классического геномного механизма, витамин D реализует быстрые негеномные эффекты через мембранно-ассоциированные рецепторы, в частности PDIA3 (Protein Disulfide Isomerase Family A Member 3), ранее известный как 1,25D_3-MARRS. Активация этого пути приводит к быстрому увеличению внутриклеточной концентрации кальция, активации сигнальных каскадов MAPK/ERK, PI3K/Akt, PKC и других белков, регулирующих сократительную активность мышц, выживание клеток и скорость репаративных процессов.

Благодаря сочетанию геномных и негеномных механизмов витамин D обеспечивает как долгосрочную адаптацию тканей к физическим нагрузкам, так и быстрый клеточный ответ на повреждение, что особенно важно в условиях интенсивного тренировочного процесса [2,19].

Полиморфизмы гена VDR и спортивная медицина. Дополнительный интерес представляет генетическая вариабельность рецептора витамина D. Наиболее изученными являются полиморфизмы FokI (rs2228570), BsmI (rs1544410), ApaI (rs7975232) и TaqI (rs731236). Согласно современным исследованиям, отдельные варианты этих полиморфизмов могут ассоциироваться с различиями в мышечной силе, скоростно-силовых качествах, минеральной плотности костной ткани, эффективностью восстановления после физических нагрузок и предрасположенностью к стрессовым переломам. Несмотря на то что полученные результаты остаются неоднозначными и требуют дальнейшего подтверждения в крупных многоцентровых исследованиях, анализ полиморфизмов VDR рассматривается как перспективное направление

персонализированной спортивной медицины [18,20].

Заключение. Таким образом, рецептор витамина D является центральным звеном реализации биологических эффектов кальцитриола. Через геномные и негеномные механизмы VDR регулирует процессы мышечной адаптации, ремоделирования костной ткани, иммунного ответа, воспаления и регенерации. Для спортивной медицины это имеет принципиальное значение, поскольку адекватная активация сигнального пути VDR способствует поддержанию функционального состояния опорно-двигательного аппарата, снижению риска травматизма, ускорению восстановления после физических нагрузок и повышению адаптационных возможностей организма. Вместе с тем влияние генетических особенностей VDR на спортивную работоспособность и травматизм требует дальнейшего изучения в рамках персонализированного подхода к медицинскому сопровождению спортсменов.

Использованная литература:

1. Holick MF. Vitamin D deficiency. N Engl J Med. 2007;357(3):266–281.
2. Bikle DD. Vitamin D metabolism, mechanism of action, and clinical applications. Chem Biol. 2014;21(3):319–329.
3. Carlberg C, Haq A. The concept of the personal vitamin D response index. J Steroid Biochem Mol Biol. 2018;175:12–17.
4. Carlberg C, Velleuer E. Vitamin D and the regulation of gene expression. Nutrients. 2020;12(8):2419.
5. Owens DJ, Allison R, Close GL. Vitamin D and the Athlete: Current Perspectives and New Challenges. Sports Med. 2018;48(Suppl 1):3–16.
6. de la Puente Yagüe M, Collado Yurrita L, Ciudad Cabañas MJ, Cuadrado Cenzual MA. Role of Vitamin D in Athletes and Their Performance: Current Concepts and New Trends. Nutrients. 2020;12(2):579.
7. Ceglia L. Vitamin D and skeletal muscle tissue and function. Mol Aspects Med. 2008;29(6):407–414.
8. Girgis CM, Clifton-Bligh RJ, Hamrick MW, et al. The roles of vitamin D in skeletal muscle: form, function, and metabolism. Endocr Rev. 2013;34(1):33–83.
9. Bouillon R, Marcocci C, Carmeliet G, et al. Skeletal and extraskeletal actions of vitamin D: current evidence and outstanding questions. Endocr Rev. 2019;40(4):1109–1151.
10. Lawley R, Syrop IP, Fredericson M. Vitamin D for Improved Bone Health and Prevention of Stress Fractures: A Review of the Literature. Curr Sports Med Rep. 2020;19(6):202–208.
11. Farrokhyar F, Tabasinejad R, Dao D, et al. Prevalence of vitamin D inadequacy in athletes: a systematic review and meta-analysis. Sports Med. 2015;45(3):365–378.
12. Książek A, Dziubek W, Pietraszewski B, et al. Vitamin D and musculoskeletal injuries in athletes: a systematic review. J Hum Kinet. 2021;77:43–58.
13. Aranow C. Vitamin D and the immune system. J Investig Med. 2011;59(6):881–886.
14. Prietl B, Treiber G, Pieber TR, Amrein K. Vitamin D and immune function. Nutrients. 2013;5(7):2502–2521.
15. Holick MF, Binkley NC, Bischoff-Ferrari HA, et al. Evaluation, treatment and prevention of vitamin D deficiency: Endocrine Society Clinical Practice Guideline. J Clin Endocrinol Metab. 2011;96(7):1911–1930.
16. Larson-Meyer DE, Willis KS. Vitamin D and athletes. Curr Sports Med Rep. 2010;9(4):220–226.
17. Lee K, Kim H. Vitamin D in athletes: focus on physical performance and musculoskeletal injuries. Exerc Sci. 2021;30(3):203–214.
18. Min SK, Song M, Oh T, et al. Association between vitamin D receptor polymorphisms and athletic performance: a systematic review. Genes (Basel). 2022;13:1469.
19. Carlberg C. Nutrigenomics of vitamin D. Nutrients. 2019;11(3):676.
20. Wang TJ, Zhang F, Richards JB, et al. Common genetic determinants of vitamin D insufficiency: a genome-wide association study. Lancet. 2010;376(9736):180–188.

УДК 613.2:612.015.3:796.332-053.6

ЎСМИР ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ЎЙИН АМПЛУАСИГА КЎРА ЭНЕРГИЯ САРФИ ВА НУТРИТИВ ЭҲТИЁЖЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Турдиалиев Ш.Х., Мальков А.В., Тешабоев М.Г.
Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази, Ўзбекистон.

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ЭНЕРГОЗАТРАТ И НУТРИТИВНЫХ ПОТРЕБНОСТЕЙ ЮНЫХ ФУТБОЛИСТОВ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ИГРОВОГО АМПЛУА

Турдиалиев Ш.Х., Мальков А.В., Тешабоев М.Г.
Республиканский научно-практический центр спортивной медицины, Узбекистан.

COMPARATIVE ANALYSIS OF ENERGY EXPENDITURE AND NUTRITIONAL REQUIREMENTS OF YOUNG FOOTBALL PLAYERS ACCORDING TO PLAYING POSITION

Turdialiyev Sh.X., Malkov A,V., Teshaboyev M.G.
Republican Scientific and Practical Center for Sports Medicine, Uzbekistan.

Изоҳ: *Ушбу тадқиқотда 12–17 ёшли ўсмир футболчиларнинг ўйин амплуасига кўра энергия сарфи ва нутритив эҳтиёжлари қиёсий таҳлил қилинди. Тадқиқотда жами 120 нафар футболчи иштирок этиб, улар ҳимоячи, ярим ҳимоячи ва ҳужумчи гуруҳларига ажратилди. Энергия сарфи метаболография, хронометраж ва MET эквиваленти усуллари ёрдамида баҳоланди. Футболчиларнинг амалдаги углевод ва оқсил истеъмоли UEFA экспертлари тавсия қилган меъёрлардан паст эканлиги аниқланди. Олинган натижалар футболчиларнинг овқатланиш рационини уларнинг ўйин амплуаси, энергия сарфи ва биологик етилиш босқичини ҳисобга олган ҳолда индивидуаллаштириш зарурлигини кўрсатди.*

Калит сўзлар: *ўсмир футболчилар, ўйин амплуаси, энергия сарфи, нутритив эҳтиёжлар, спорт овқатланиши, углеводлар, оқсиллар, макронутриентлар, метаболография, MET эквиваленти, UEFA стандартлари.*

Аннотация: *Целью настоящего исследования явился сравнительный анализ энергозатрат и нутритивных потребностей юных футболистов (n=120, возраст 12–17 лет) в контексте их игрового амплуа. Оценка энергетического баланса защитников, полузащитников и нападающих проводилась методами метаболографии, хронометража и расчета по стандарту MET. Установлено, что фактическое потребление макронутриентов (белков и углеводов) в исследуемых группах достоверно ниже рекомендаций экспертов UEFA. Полученные данные обосновывают острую необходимость индивидуализации рациона питания футболистов на основе их позиционных энергозатрат и фазы биологического созревания.*

Ключевые слова: *юные футболисты, игровое амплуа, энергетические затраты, нутритивные потребности, спортивное питание, углеводы, белки, макронутриенты, метаболография, эквивалент MET, стандарты UEFA.*

Abstract: *This study conducted a comparative analysis of energy expenditure and nutritional requirements in 12–17-year-old adolescent football players according to their playing position. A total of 120 football players participated in the study and were divided into groups of defenders, midfielders, and forwards. Energy expenditure was assessed using metabolography, time-motion analysis, and MET equivalent methods. It was found that the actual intake of carbohydrates and proteins among the football players was lower than the levels recommended by UEFA experts. The findings indicate the need to individualize football players' diets by taking into account their playing position, energy expenditure, and stage of biological maturation.*

Keywords: *adolescent football players, playing position, energy expenditure, nutritional requirements, sports nutrition, carbohydrates, proteins, macronutrients, metabolography, MET equivalent, UEFA standards.*

Тадқиқотнинг долзарблиги. Хозирги кунда футболчиларнинг овқатланишини тўғри ташкил этиш нафақат Ўзбекистон шароитида, балки бутун дунё бўйича футбол академиялари учун долзарб ва қайта кўриб чиқилиши шарт бўлган вазифаларга айланиб бормоқда. Спорт тиббиётида энг охирги маълумотларга эътибор қаратадидан бўлсак, охирги йилларда дунё миқёсида хар 10 та футболчидан 7 та нафарида нотўғри овқатланиш ва етарли даражада макронутриентлар истеъмол қилмаслик натижасида қувват етишмаслик муаммолари учраб турибди [10,12]. Бу албатта футболчининг майдондаги фаол харакатига ва ўйин самарадорлигига ўз таьсирини кўрсатмай қолмайди.

Бундан ташқари, хозирги кунда жуда кўп футбол академияларида футболчилар учун умумий овқатланиш тартиблари сақланиб қолмоқда [1,3]. Бу холатда футболчилар ўйин амплуасидан қатьий назар бир хил овқат махсулотларини истеъмол қилишади, яьни химоячи хам, хужумчи хам, ярим химоячи ва дарвозабон хам сифат ва миқдор жихатидан бир хил бўлган махсулотлар истеъмол қилишади. Бу холат ўйин давомида футболчиларнинг энергиясини тўғри тақсимланмаслигига ва жарохатлар сонининг ошишига шароит яратиб беради [9,15].

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқотимизнинг асосий мақсади футболчиларнинг ўйин амплуасини (химоячи, хужумчи, ярим химоячи) инобатга олиб, жарохатларни олдини олишга ва энергия етишмовчилигини камайтиришга қаратилган овқатланиш меьёрларини таклиф қилиш ва амалиётга жорий қилишдир [7,13].

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқотимиздан асосий мақсад энг биринчи навбатда футболчиларнинг ўйин амплуасини инобатга олган холда химоячи, ярим химоячи ва хужумчилар учун бир кунлик энергия сарфина ва ўйин давомидаги сарф қилаётган энергия сарфини метабологрофия методи ёрдамида ва MET эквивалиент коиффисиенти орқали аниқлаш энг асосий вазифаларимиздан хисобланади [2,4]. Бундан ташқари аникланган энергия сарфи орқали футболчиларнинг ўйин амплуасига мослаштирилган макронутриентлар

тақсимотини тақдим этиш ва ўйиндаги жарохатларни олдини олиш хам бизнинг вазифаларимиздан бири хисобланади [9,14].

Материаллар ва усуллар. Тадқиқотимизда жами 120 нафар 12-17 ёш оралиғида бўлган футболчилар иштирок этди. Бу футболчиларни ўйин амплуасига кўра гурухларга бўлиб олдик. Яьни химоячи, хужумчи, ярим химоячи. Бундан ташқари бир қанча тадқиқот методларидан фойдаландик. Улардан биринчиси антропометрик ўлчовлар ва индекслар усули, метобология усули, хронометраж ва МЕТ стандарти бўйича хисоблаш методлари, математик статистик тахлил методлари ёрдамида тадқиқотимиз учун керакли бўлган маьлумотлар олинди [4,11].

Тадқиқот натижалари. Ярим химоячилар. Ўйин амплуаси нуқтаи назаридан натижаларни тахлил қиладиган бўлсак, ярим химоячилар майдонда энг кўп масофани (12-14 км) босиб ўтувчи ўйинчилар хисобланиб, бир ўйин давомида (90-120 минут) энг кўп энергия сарфига эга ўйинчилар эканлиги яна бир бор тасдиқланди [5,8]. Айниқса ярим химоячилардан марказий ярим химоячи қанот ярим химоячиларига нисбатан кўпроқ масофани босиб ўтишади ва кўпроқ эенргия сарф қилишади [10]. Текширувлар натижаси шуни кўрсатдики, марказий ярим химоячи бир кунда ўртача 4850 ккал энергия сарф қилиши аниқланди. Шундан тахминан 2400 ккал энергия тинч холатда, машғулот вақтини ўзида тахминан 1200 ккал, қолгани ўсиш ва термоген жараёнлар учун ва овқатнинг термик парчаланиши учун сарф бўлиши аниқланди [4,13]. Бизниннг тадқиқотимиз натижасида ярим химоячиларда углеводлар 6-8 г/кг, оқсиллар 1-1.5 г/кг, ёғлар эса 1-1,2 г/кг ни ташкил этди. Ваҳоланки, халқаро спорт нутрициологияси ва UEFA экспертлари стандартига кўра ярим химоячиларда нисбатан кўпроқ югургани учун углеводлар 8-10 гр/кг, оқсиллар 1.5-2 гр/кг, ёғдар эса 1-1.5 гр/кг ни ташкил этиши керак [6,7].

Футболчиларнинг ўйин амплуасига кўра кунлик энергия сарфи таркибий қисмларининг қиёсий тавсифи.

1-Жадвал.

Ўйин амплуаси	Тинч ҳолатдаги энергия сарфи (RMR)	Машғулотдаги энергия сарфи	Ўсиш ва TEF учун энергия сарфи	Кунлик умумий энергия сарфи
Ярим ҳимоячи	~2200 ккал	~1200 ккал	~1450 ккал	~4850 ккал
Ҳужумчи	~2400 ккал	~1000 ккал	~1200 ккал	~4600 ккал
Ҳимоячи	~2100 ккал	~1100 ккал	~1350 ккал	~4550 ккал

Химоячилар. Кейинги ўйин амплуасини тахлил қиладиган бўлсак, химоячиларнинг майдондаги вазифалари ярим химоячилар билан бир хил бўлсада, лекин айрим жихатлари билан бир биридан кескин фарқ қилади. Химоячилар бир ўйин давомида ўртача 9-10 км масофани босиб ўтишади [5,8]. Чунки уларнинг вазифаси рақиб хумумини қайтариш хисобланади [11]. Улар бир кунда ўртача 4500-4600 ккал энергия сарф қилишади. Шу энергиядан тинч холатдаги энергия сарфи ўртача 2100 ккал ни, ўртача 1000 ккал қисми машғулот вақтидаги энергия сарфига, қолгани ўсиш ва термоген жараёнлар учун ва овқатнинг термик парчаланиши учун сарф бўлиши аниқланди [4]. Овқат таркибидаги макронутриентлар тахлил қилинганда уларда углеводларнинг кунлик кўрсатгичи 6-8 г/кг, оқсилларники 1-1.5 г/кг, ёғларнинг нисбати эса 1-1.2 г/кг ни ташкил этди. Ваҳоланки, халқаро спорт нутрициологияси ва UEFA экспертлари стандартига кўра химоячилар бошқа ўйин амплуасидаги ўйинчиларга нисбатан кўпроқ яьни 1.5-2 гр/кг оқсил истеьмол қилишлари тасдиқланган [7,15]. Сабаби химоячилар тўп учун жуда кўп хавода ва майдонда курашларга киришади ва бу холатда мускуллар бақувват ва чидамли бўлиши талаб этилади [13].

Футболчиларнинг ўйин амплуасига кўра углевод ва оқсил истеъмолининг UEFA стандартлари билан қиёсий таҳлили.

2-Жадвал.

Ўйин амплуаси	Амалдаги углевод	UEFA стандарти	Амалдаги оқсил	UEFA стандарти
Ярим ҳимоячи	6 – 8 г/кг	8 – 10 г/кг	1.0 – 1.5 г/кг	1.5–2.0 г/кг
Ҳужумчи	7 – 8 г/кг	> 8 г/кг	1.0 – 1.3 г/кг	≥ 1.5 г/кг
Ҳимоячи	6 – 8 г/кг	> 8 г/кг	1.0 – 1.5 г/кг	1.5–2.0 г/кг

Хужумчилар. Хужумчилар хам майдонда ўзига хос ўринга эга ўйинчилар хисобланиб, уларнинг асосий вазифаси тупни рақиб дарвозасига киритиш хисобланади. Хужумчиларда хам ички гурухлар мавжуд бўлиб, булар қанот хужумчиси ва марказий хужумчиларни ўз иичига олади. Улар хам худди химоячилардек майдонда ўртача 9-10 км масофани босиб ўтишади [8]. Лекин хужумчилар химоячи ва яоим химоячилардан фарқли равишда спринт харакатлар кўпроқ амалга оширишади ва ўртача 24 км/соат тезликгача чиқа олишади [5,11]. Тадқиқотимиз натижасида хужумчиларда ўртача кунлик энергия сарфи 4600 ккал ни ташкил этди [10]. Бу энергиядан тинч холатда ўртача сарф 2200 ккал ни ташкил этди. Бундан ташқари айнан машғулот жараёнида 1200 ккал энергия сарф қилиши МЕТ эквивалиент коиффисиенти орқали хисоблаб чиқилди [4]. Энергиянинг қолган қисми ўсиш ва термоген жараёнлар учун ва овқатнинг термик парчаланиши учун сарф бўлиши аниқланди [2,13]. Овқат таркибидаги макронутриентлар нисбатига келадиган бўлсак, хужумчиларда бу кўрсатгич углеводларда 7-8 гр/кг, оысиллар 1-1.3 гр/кг, ёғлар эса 1-1.1 гр/кг ни ташкил этди. Аслида бу кўрсатгичлар юқорида келтирилган халқаро спорт нутрициологияси ва UEFA экспертлари томонидан ишлаб чиқилган нормаларга мос бўлиши керак эди [7]. Футболчиларнинг барча амплуа кесимида макронутриентлар тақсимоти меьёрида бўлмаслиги ўйин

самарадорлигини пасайтиришга ва жарохатлар сонининг ортишига сабаб бўлмоқда [9,12].

Тадқиқот натижалари мухокамаси. Тадқиқот натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, футболчиларнинг щйин амплуаси уларнинг овқатланишида жуда катта фарқларни келтириб чиқаради [5,14]. Тўғри, кўринишидан барча амплуадага ўйинчилар бир хил овқатланиши керакдек кўринади, лекин уларнинг майдондаги вазифалари бир биридан тубдан фарқ қилади. Бизнинг тадқиқотимизда хам шу нарса аниқ бўлдики, футболчиларнинг умумий қозон тамойили асосида овқатланиши айрим амплуадаги ўйинчиларда ортиқча энергия тўпланишига, айримларида эса энергия етишмаслик ва жарохатлар сонининг ортишига олиб келди [12,15]. Шуни хисобга олган холда футболчиларнинг овқатланишини уларнинг ўйин амплуасига мослаштириб ташкил этиш жуда мухим ахамият касб этади [7,13].

Амалий тавсиялар. Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Энг биринчи навбатда ўйинчиларнинг амплуасини шакллантириб, уларга УЕФА стардартларига мос овқатланиш рационини жорий этиш хисобланади [7]. Мисол тариқасида ярим химоячилар ўйиндан олдин етарли миқдорда углевод истеьмол қилмаса ўйин давомида энергия танқислиги синдроми шаклланади ва ўйин самарадорлиги тушиб кетишига сабаб бўлади [6,12]. Химоячиларда эса етарли миқдорда оқсил махсулотларини истеьмол қилишмаса тўп учун курашларда тўпни рақиб жамоа футболчиларидан олиб қўйиши қийинлашади. Чунки оқсиллар мускулларнинг энг асосий қурулиш материаллари хисобланади [15]. Хужумчиларда эса ортиқча ёғ миқдорининг рационда ортиб кетиши ўйин давомида юқори спринт олиш жараёнларини издан чиқаради. Чунки ёғ тўқимаси мускул тўқимасининг қисқаришида умуман иштирок этмайди, аксинча тўсқинлик қилади [1,2]. Шуни инобатга олган холда футболчилар учун овқатланиш рационини шакллантиришда умумий қозон тамойилидан чиқиш ва улурнинг ўйин амплуасини ва биологик етилиш босқичларини инобатга олган холда овқатланиш рационини ишлаб чиқиш мухим ахамият касб этади [7,11].

Хулоса. Тадқиқот якунида шуни таькидлаш жоизки, футболчиларнинг овқатланиш тартиби шу қадар мухимки, агар овқат таркибида улар учун зарур бўлган макронутриентларнинг озгина етишмаслиги хам ўйин самарадорлигига бевосита ва билвосита таьсир ўтказади. Футболчиларнинг ўйин амплуаси эса уларда қандай ва қанча макронутриент тақсимоти бўлиши кераклигини асослаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Борисова О.О. Питание спортсменов: руководство для диетологов и спортивных врачей. – М.: Советский спорт, 2017. – 132 с.
2. Полиевский С.А. Основы спортивной нутрициологии. – М.: Физическая культура и спорт, 2021. – 312 с.
3. Усманходжаев А.К., Мальков А.В. Спортивная нутрициология и цифровые подходы в спортивной практике Узбекистана // Вестник спортивной медицины. – Ташкент, 2022. – Том 14, № 2. – С. 22-28.
4. Ainsworth B.E., Haskell W.L., Herrmann S.D., et al. 2011 Compendium of Physical Activities: a second update of codes and MET values // Medicine & Science in Sports & Exercise. – 2011. – Vol. 43 (8). – P. 1575-1581.
5. Bradley P.S., Sheldon W., Wooster B., et al. High-intensity running in English FA Premier League soccer matches // Journal of Sports Sciences. – 2009. – Vol. 27 (2). – P. 159-168.
6. Burke L.M., Hawley J.A., Wong S.H., Jeukendrup A.E. Carbohydrates for training and competition // Journal of Sports Sciences. – 2011. – Vol. 29 (sup1). – P. S17-S27.
7. Collins J., Maughan R.J., Gleeson M., et al. UEFA expert group statement on nutrition in elite football. Current evidence to inform practical recommendations and guide future research // British Journal of Sports Medicine. – 2021. – Vol. 55 (8). – P. 415-420.
8. Di Salvo V., Baron R., Tschan H., et al. Performance characteristics according to playing position in elite soccer // International Journal of Sports Medicine. – 2007. – Vol. 28 (3). – P. 222-227.
9. Ekstrand J., Hägglund M., Waldén M. Injury incidence and injury patterns in professional football: the UEFA injury study // British Journal of Sports Medicine. – 2011. – Vol. 45 (7). – P. 553-558.
10. Hannon M.P., Close G.L., Morton J.P. Energy and macronutrient considerations for young athletes // Strength & Conditioning Journal. – 2020. – Vol. 42 (6). – P. 109-119.
11. Malina R.M., Rogol A.D., Cumming S.P., et al. Biological maturation of youth athletes: assessment and implications // British Journal of Sports Medicine. – 2015. – Vol. 49 (13). – P. 852-859.
12. Mountjoy M., Sundgot-Borgen J.K., Burke L.M., et al. IOC consensus statement on relative energy deficiency in sport (RED-S): 2018 update // British Journal of Sports Medicine. – 2018. – Vol. 52 (11). – P. 687-697.
13. Mujika I., Burke L.M. Nutrition in team sports // Annals of Nutrition and Metabolism. – 2010. – Vol. 57 (Suppl. 2). – P. 26-35.
14. Naughton R.J., Drust B., O'Boyle A., et al. Daily distribution of carbohydrate, protein and fat intake in elite youth academy soccer players // International Journal of Sport Nutrition and Exercise Metabolism. – 2016. – Vol. 26 (5). – P. 473-480.
15. Thomas D.T., Erdman K.A., Burke L.M. American College of Sports Medicine Joint Position Statement. Nutrition and Athletic Performance // Medicine & Science in Sports & Exercise. – 2016. – Vol. 48 (3). – P. 543-568.

УДК:616.624.008.444

СПОРТЧИЛАРДА УЙҚУДА ОБСТРУКТИВ АПНОЭ СИНДРОМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДИАГНОСТИКА МЕТОДЛАРИ

Хамиджонов Ш.О.
Республика спорт тиббиёти илмий- амалий маркази, Ташкент.

СИНДРОМ ОБСТРУКТИВНОГО АПНОЭ СНА У СПОРТСМЕНОВ СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ДИАГНОСТИКИ

Хамиджонов Ш.О
Республиканский научно-практический центр спортивной медицины, Ташкент.

OBSTRUCTIVE SLEEP APNOE SYNDROME IN ATHLETES MODERN DIAGNOSTICMETHOD

Khamidjanov Sh.O.
Republican Scientific-Practical Center of Sports Medicine, Tashkent.

Аннотация: *Ушбу мақолада спортчиларда обструктив уйқу апноэ синдромини бахолаш мезонлари ёритилинди. (ОУАС) Уйқу вақтида юқори нафас йўлларининг ёпилиши натижасида нафас олишнинг бузилиши ҳаво киришининг қисман ёки тўлиқ тўхташига, гипоксияга олиб келади ва натижада уйқу чуқурлигининг вақтинча камайиши юзага келади. Ушбу холат спортчиларда спорт машғулотларида фаол иштирок этишларига ва спортда юқори натижаларга эришишларига салбий таъсир кўрастилиши мумкинлиги ёритиб берилди.*

Калит сўзлар: *Апное, спортчилар, нафас олиш бузилиши, полисомнограф, физик юклама.*

Аннотация: *В данной статье освещены критерии оценки синдрома обструктивного апноэ сна (СОАС) у спортсменов. СОАС характеризуется нарушением дыхания во время сна вследствие обструкции верхних дыхательных путей, что приводит к частичному или полному прекращению поступления воздуха, развитию гипоксии и, как следствие, к временным нарушениям глубины сна. Показано, что данное состояние может оказывать негативное влияние на активное участие спортсменов в тренировочном процессе и достижение высоких спортивных результатов.*

Ключевые слова. *Апное, спортсмены, нарушение дыхания, физическая нагрузка, полисомнограф*

Abstract: *This article highlights the criteria for assessing obstructive sleep apnea syndrome (OSAS) in athletes. OSAS is characterized by impaired breathing during sleep due to obstruction of the upper airway, leading to partial or complete cessation of airflow, hypoxia, and consequently temporary disruption of sleep depth. It is demonstrated that this condition may negatively affect athletes' active participation in training processes and their ability to achieve high sports performance.*

Keywords:*Apnoe,athletes, respiratory disorder, physical exertion, polysomnography.*

Инсон уйқу давомида бундай ҳолатлар бир кечада юзлаб марта такрорланиши мумкин. Агар бу ҳолатлар клиник симптомлар билан кузатилса, бу обструктив уйқу апноэ-гипопноэ синдроми деб аталади. Ушбу холат спортчиларда спорт машғулотларида фаол иштирок этишларига салбий таъсир кўрсатади хамда спортда юқори натижаларга эришишларида мухим ахамиятга эга.

Фақат охирги икки ўн йилликда клиник тиббиёт ушбу синдромнинг моҳиятини тўғри тушуна бошлади. Илгари «қаттиқ хуриллаш» соғломлик белгиси сифатида қабул қилинган бўлса, ҳозирда у ОУАСнинг асосий белгиси ва хабарчиси сифатида қаралади. Бу касаллик артериал гипертония, юрак ритми бузилишлари, миокард ишемияси, инсульт ва гормонал бузилишлар хавфини оширади.Бундан ташқари кўрув аъзосига хам салбий таъсир этади. 1. Глаукома хавфини оширадиғапноеда тунги вақтда кислород касаяди кўрув нервига зарар етказади қон айланиш бузилиши хисобига офтальмогипертензия хам ривожлани мумкин. Тунда нафас олиш бузилиши кўз ёши сифатининг ёмонлашиши Курук кўзлар синдромини ривожланишига сабаб бўлади.Диабетик ретинопатия хамда ишемик нейропатиялар ривожланиш хавфини оширади.ОУАС уйқу сифатини сезиларли ёмонлаштиради ва кундузги кучли уйқучанликка олиб келади. Бу синдром нафақат тиббий, балки ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳам келтириб чиқаради: меҳнат самарадорлигининг пасайиши, ишлаб чиқаришда жароҳатлар ва йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпайиши. ОУАСнинг тарқалганлиги юқори бўлиб, 30 ёшдан катта аҳолининг 3–7% да учрайди. Семизлик асосий хавф омилларидан бири ҳисобланади. Тананинг масса индекси (BMI) 29 кг/м² дан юқори бўлганларда ОУАС ривожланиш эҳтимоли 8–12 баравар юқори. Тадқиқотларга кўра, ортиқча вазнли эркакларнинг 24% ва аёлларнинг 9% да уйқуда нафас бузилишлари кузатилади. Апноэ/гипопноэ индексидаги ўзгаришларнинг 40% дан ортиғи семизлик билан боғлиқ.Бу маълумотлар амалий жиҳатдан муҳим, чунки иккала ҳолат ҳам юрак-қон томир касалликлари учун хавф омиллари ҳисобланади.

Шунингдек, тунда қонда кислород сатурациясининг пасайиши семизлик билан эмас, балки ОУАС оғирлигининг ошиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда ОУАСда мия қон айланишини баҳолашда асосан транскраниал допплерография қўлланилади. Шу сабабли янги диагностика усулларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. ОУАС кўпинча метаболик бузилишлар (жумладан қандли диабет), абдоминал семизлик билан боғлиқ. Шунингдек: артериал гипертония, юрак ишемик касаллиги атриал, фибрилляция билан оғриганларда кўпроқ учрайди. ОУАСда инсульт ёки юрак-қон томир ўлими хавфи 2 баравар ошади. Шунинг учун эрта ташхис ва даволаш жуда муҳим.

Тадқиқотнинг мақсади: ЛОР-аъзолари касалликлари билан оғриган спортчиларда ронхопатиянинг ривожланишини оғирлаштирувчи омилларнинг ролини аниқлаш ва баҳолаш.

Тадқиқотнинг материаллари ва усуллари. Тадқиқот Республика спорт тиббиёти илмий амалий маркзи поликлиника бўлимида чуқурлаштирилган тиббий кўрик натижаларига асосаланган бўлиб унга кўра клиник (клиник-лаборатор, клиник-статистик), эндоскопик, бурун ёндош бўшлиқларининг радиологик (рентген, МСКТ, МРТ),транскраниал допплерография ҳамда статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди. 2026-йил 3 ойлик квартал хисоботига кўра чуқурлаштирилган тиббий кўрик натижаларигадан-200 нафар спортчидан 80 нафар спортчида ушбу касаллик аниқланди. Шулардан 30 таси аёл 50таси эркак спортчилар ташкил этди. 15-30 ёшлар орасида асосан барча спорт турлари ичида аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Эндоскопик текшириш натижалари Назорат гуруҳида ўтказилган риноскопия натижаларига кўра бурун бўшлиғи шиллиқ қаватининг пушти рангда ва намлиги аниқланди. Бурун орқали нафас олиш эркин, бурун тўсиғи ўрта чизиқда жойлашган.

1 гуруҳ беморларда бурундан нафас олиш бузилган бўлиб, ўтиб кетувчи эди. 15 нафар беморларда бурун бўшлиғи шиллиқ қаватида гиперемия ва шиш, 15 нафар беморда бурун бўшлиғи шиллиқ қавати шиши билан биргаликда бурун тўсиғи қийшайиши аниқланди.

2 гуруҳ беморларнинг 10 нафарида бурун бўшлиғи шиллиқ қаватида яққол намоён бўлган турли даражадаги шиш, 44 нафарида - бурун бўшлиғи шиллиқ қаватида гиперемия ёки цианоз ҳамда бурунхалқум шиллиқ қавати шиши ва бурун тўсиғи қийшайиши ҳисобига бурундан нафас олишнинг турғун бузилиши аниқланди.

1 гуруҳ беморларнинг бурун бўшлиғи эндоскопик текшируви мобайнида шу аниқландики, унинг шиллиқ қавати пушти ва нам бўлиб, бурундан нафас олиш эркин, бурун йўлларида патологик ажралмалар аниқланмади, бурун чиғаноқлар ўзгаришсиз, бурун тўсиғи олдинги қисмида катта бўлмаган қирра аниқланди.

2 гуруҳ беморларни эндоскопик текширувида бурун бўшлиғи шиллиқ қавати қизарган ва шишганлиги, бурун тўсиғи қийшайганлиги, бурун чиғаноқлари шишганлиги ва бурун йўлларида ажралмалар борлиги аниқланди.

Рентгенологик текшириш натижалари: Бурун ва бурун ёндош бўшлиқларидаги ўзгаришларга аниқлик киритиш мақсадида 1 ва 2 гурух беморларнинг барчасида бурун ёндош бўлиқларининг (БЁБ) рентгенографияси ва компьютер томографияси ўтказилди. БЁБ рентгенографиясида 2 гурух спортчиларнинг 45 нафаридан 40 нафарида (88,9%) бурун чиғаноқлари шиллиқ қаватининг қалинлашганлиги ва бунга мос равишда бурун ичи структураси қаршилиги ошганлиги, гиперпластик жараённинг аниқланганлиги, бу эса кейинчалик пастки бурун чиғаноғидан бўлак олиб синов учун гистологик текширув ўтказганимизда ҳам ўзгаришлар ўз тасдиғини топди. Транскраниал допплерографияда 10 нафар спортчида қон оқими тезлиги пасайиши a.cerebri media (MCA)ғ гипоксия ва вазоконструкция хисобига учраган. 20нафарида қон томир қаршилиги ошиши аниқланди.

Хулосалар:

1.Ронхопатияси бўлган спортчиларда 31% ҳолда бурун тўсиғи қийшайиши, 17,3% - вазомотор ринит, 23,3% - полипоз риносинусит, 16,4% - сурункали тонзиллит, 12% - аденоид вегетацияси аниқланди;

2.ЛОР-касалликлари ва ронхопатиянинг енгил шакли бўлган спортчиларда полисомнографияда 46,4 дБ, ЛОР-касалликлари ва ронхопатиянинг ўрта оғир шакли бўлган беморларда полисомнографияда 56,5 дБ аниқланди.

3.ЛОР-касалликлари бўлган спортчиларда ронхопатияни комплекс даволашда жарроҳлик амалиётини қўллаш ва ундан сўнг индивидуал равишда консерватив усулни қўллаш даволаш самарадорлигини 45%га оширди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Александров А.Н., Червинская А.В., Сопко О.Н., Арустамян И.Г. Возможности галотерапии в лечении носовой обструкции как одной из формирующих сонного апноэ. Российская ринология, 2014.-№2.-С.43-44.
2. Артемьева Т. Храп: неудобство или болезнь? Будь здоров, 2012.-№4.-С.30-37.
3. Миррахимов А.Э., Миррахимов Э.М. Сердечно-сосудистые и метаболические осложнения синдрома обструктивного апноэ сна. Кардиология, 2012.-№10.-С.75-80.
4. Батыршин Р.Г., Шагиахметова Л.Я., Батыршин Т.Р., Гайсина Т.А.Диагностика и лечение храпа и синдрома ночного апноэ. Казанский медицинский журнал, 2012.-№2.-С.273-276.
5. Блоцкий А.А. Опыт хирургического лечения пациентов с феноменом храпа и синдромом обструктивного сонного апноэ. Российская ринология, 2014.-№2.-С.46-47.
6. Глотов А.В., Федорова Т.Н., Гольтяпин В.В., Ахмедов В.А. Показатели ночной пульсоксиметрии в оценке синдрома обструктивного апноэ во сне у амбулаторных пациентов с сопутствующей патологией верхних дыхательных путей и избыточной массой тела. Терапевтический архив, 2017.-N 12.-С.28-33.
7. Зелвеян П.А. История изучения дыхательных нарушений сна. Проблемы социальной гигиены и история медицины, 2013.-№4.-С.58-60.
8. Ильницкий А., Иванова Е., Носкова И. Проблема нарушения сна в эстетической медицине. Эстетическая медицина, 2016.-№3.-С.373-377.
9. Карпищенко С., Александров А., Сопко О., Арустамян И., Мушникова Ю. Консервативная терапия храпа и синдрома обструктивного апноэ во сне. Врач, 2016.-№2.-С.17-19.
10. Кожевникова О.В., Намазова-Баранова Л.С., Абашидзе Э.А., Алтунин В.В., Балабанов А.С., Широкова И.В., Кондрахина И.И., Полунина Т.А., Маргиева Т.В .Синдром обструктивного апноэ сна у детей как риск развития сердечно-сосудистой патологии. Вестник Российской Академии медицинских наук, 2015.-№1.-С.32-40.
11. Козулина М.А. Влияние характера и распространенности воспалительного процесса в полости носа и ОНП на храп и СОАС. Российская ринология, 2014.-№2.-С.20-21.
12. Козулина М.А. Перспективы ранней диагностики расстройств сна. Российская ринология, 2013.-№4.-С.34-36.
13. Козулина М.А., Пискунов Г.З., Перич Б.Б. Храп и синдром обструктивного апноэ сна у пациентов с хроническими воспалительными заболеваниями носа и околоносовых пазух. Российская ринология, 2014.-№4.-С.23-25.
14. Красножен В.Н., Батыршин Т.Р., Бакиров Р.С., Батыршин Р.Г., Каратай Р.С., Гимадеева Д.Р. Состояние вегетативного гомеостаза у больных ронхопатией. Вестник оториноларингологии, 2015.-№4.-С.38-40.
15. Лешина Л.С. Оптимизация диагностики храпа. Российская оториноларингология, 2016.-№4.-С.27-30.

16. Мадаева И.М., Бердина О.Н., Семенова Н.В., Гребенкина Л.А., Мадаев В.В., Колесникова Л.И. Гендерные особенности структурной организации сна при синдроме апноэ. Терапевтический архив, 2016.-№9.-С.71-77.

17. Мельник С.М., Лопатин А.С. Влияние лечебных мероприятий на течение синдрома обструктивного апноэ сна и фаринголарингеальной/гастроэзофагеальной рефлюксной болезни. Российская ринология, 2015.-N 4.-С.13-18.

18. Мельник С.М., Лопатин А.С., Латышева Е.Н. Особенности течения фариголарингеальной и гастроэзофагеальной рефлюксной болезни у пациентов с синдромом обструктивного апноэ сна. Фарматека, 2016.-N 10.-С.62-66.

19. Мовергоз С.В., Андаров А.А. Модификация операции увулопалатофарингопластики при лечении неосложненного храпа и соас. Российская ринология, 2014.-№2.-С.55-56.

20. Немкова С.А., Болдырев В.Г., Сорокин А.С. Нарушения сна у детей. Медицинская сестра, 2017.-N 7.-С.38-44.

UO‘K (УДК): 159.9:796.01

OLIMPIYA SPORT TURLARI KLASSIFIKATSIYASI BO‘YICHA PSIXOLOGIK MUAMMOLAR VA STRUKTURAVIY KOMPONENTLARNING DIFFERENSIAL TAHLILI

Quvvatova Z.R. Kamilova M. Yo.
Respublika sport tibbiyoti ilmiy-amaliy markazi.

ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ И СТРУКТУРНЫХ КОМПОНЕНТОВ НА ОСНОВЕ КЛАССИФИКАЦИИ ОЛИМПИЙСКИХ ВИДОВ СПОРТА

Кувватова З.Р. Камилова М. Ё.
Республиканский научно-практический центр спортивной медицины.

DIFFERENTIAL ANALYSIS OF PSYCHOLOGICAL ISSUES AND STRUCTURAL COMPONENTS BASED ON THE CLASSIFICATION OF OLYMPIC SPORTS

Quvvatova Z.R. Kamilova M. Yo.
Republican Scientific-Practical Center for Sports Medicine.

Annotatsiya. *Ushbu sharhiy maqolada Xalqaro Olimpiya Qo‘mitasi tomonidan tasdiqlangan barcha Olimpiya sport turlarining klasterli klassifikatsiyasi va ularda uchraydigan sof psixologik hamda kognitiv muammolar o‘rganilgan. Maqolada sport turlari beshta asosiy guruhga (siklik, yakkakurash va qilichbozlik, qiyin koordinatsiyali, jamoaviy, nishonli/intellektual) ajratilib, ularning har biri uchun 5 tadan o‘ziga xos psixologik komponentlar ishlab chiqilgan. Klinik-fiziologik yondashuvlardan butunlay cheklangan holda, sportchilarning mental inqirozlari, kognitiv yuklamalari va ularni bartaraf etishga qaratilgan zamonaviy psixologik terapiyalar (Kognitiv dissotsiatsiya, CBM, AIT, SMM va Biofeedback) psixologik nuqtai nazardan tahlil qilingan.*

Kalit so‘zlar: *sport psixologiyasi, kognitiv to‘siqlar, monotonlik, sensor blokada, xato qilish qo‘rquvi, kognitiv yuklama, mental rekvizitlar, psixologik terapiya.*

Аннотация. *В данной обзорной статье исследуется кластерная классификация всех летних Олимпийских видов спорта, утвержденных Международным олимпийским комитетом, а также специфические психологические и когнитивные проблемы, возникающие в них. Виды спорта разделены на пять основных групп (циклические, единоборства и фехтование, сложнокоординационные, командные, прицельные/интеллектуальные), и для каждой группы разработаны по 5 ключевых психологических компонентов. Полностью абстрагируясь от клинико-физиологическихаспектов, в статье анализируются ментальные кризисы, когнитивные перегрузки спортсменов и современные методы психологической терапии (когнитивная диссоциация, CBM, AIT, SMM и Biofeedback) исключительно с психологической точки зрения.*

Ключевые слова: *психология спорта, когнитивные барьеры, монотонность, сенсорная блокада, страх ошибки, когнитивная перегрузка, ментальные реквизиты, психологическая терапия.*

Abstract. *This review article examines the cluster classification of all summer Olympic sports approved by the International Olympic Committee, along with the specific psychological and cognitive problems encountered within them. Sports are divided into five major groups (cyclic, combat and fencing, difficult coordination, team, and target/intellectual sports), with 5 key psychological components developed for each. Moving entirely away from clinical-physiological approaches, the paper analyzes elite athletes' mental crises, cognitive overloads, and modern psychological therapies (Cognitive Dissociation, CBM, AIT, SMM, and Biofeedback) through a purely psychological lens.*

Keywords: *sport psychology, cognitive barriers, monotony, sensory blockade, fear of failure, cognitive overload, mental requisites, psychological therapy.*

Zamonaviy elita sporti va Olimpiya o‘yinlari sharoitida g‘alaba va mag‘lubiyat o‘rtasidagi chegara ko‘pincha jismoniy tayyorgarlik darajasi bilan emas, balki sportchining ekstremal psixologik bosim ostida o‘z kognitiv funksiyalarini boshqara olish qobiliyati bilan belgilanadi. Ko‘p yillar davomida sport fanida tadqiqotlar asosan funksional va biokimyoviy ko‘rsatkichlarga qaratilgan bo‘lsa, XXI asrning uchinchi o‘n yilligiga kelib, diqqat markazi to‘liq neyrokognitiv va sof psixologik mezonlarga ko‘chdi [7]. Sport turlarining o‘ziga xos tuzilishi, musobaqa faoliyatining tabiati va tashqi muhit omillari sportchi shaxsiga turlicha psixologik talablarni qo‘yadi. Ushbu munosabatlarni tizimlashtirishda Xalqaro Olimpiya Qo‘mitasi (XOQ) konsensuslarida belgilangan sport turlari klassifikatsiyasi fundamental asos bo‘lib xizmat qiladi [7, 13].

Ushbu sharhiy maqolaning asosiy maqsadi — yozgi Olimpiya sport turlari guruhlarida yuzaga keladigan destruktiv psixologik muammolarni klassifikatsiya qilish, har bir yo‘nalish uchun professional mental faoliyat samaradorligini belgilovchi 5 tadan asosiy psixologik komponentni ishlab chiqish hamda ularni bartaraf etishning sof psixologik va kognitiv-xulq-atvor terapiyalariga asoslangan metodologiyasini yoritishdan iborat. Tadqiqot ob’ekti sifatida fiziologik ko‘rsatkichlar emas, balki elita sportchilarining ichki mental inqirozlari, kognitiv blokadalari va irodaviy regulyatsiya mexanizmlari olingan [3, 8]. Maqolani tayyorlashda 2021–2026-yillar oralig‘ida sport psixologiyasi va kognitiv fanlar sohasida chop etilgan eng so‘nggi xalqaro va milliy ilmiy adabiyotlar, monografiyalar va XOQning metodik qo‘llanmalari tizimli tahlil qilindi. Tadqiqotda tizimli-strukturaviy yondashuv, qiyosiy kognitiv tahlil hamda elita sportchilarining musobaqa faoliyatini psixologik modellashtirish metodlaridan foydalanildi. Tahlil jarayonida barcha yozgi Olimpiya sport turlari

psixologik va neyrokognitiv xususiyatlariga ko‘ra 5 ta yirik guruhga ajratildi: siklik, yakkakurash va qilichbozlik, qiyin koordinatsiyali, jamoaviy hamda nishonli/intellektual sport turlari [11, 15].

1. Siklik sport turlarida psixologik muammolar va strukturaviy komponentlar.

Siklik sport turlariga engil atletika (yugurish, sportcha yurish), suzish, akademik eshkak eshish, baydarka va kanoeda eshkak eshish, velosport va triatlon kabi uzoq muddatli, bir xil harakatlar zanjiridan iborat turlar kiradi. Bu guruhda asosiy psixologik muammolar uzoq muddatli jismoniy chidamlilik talab etiladigan sharoitda paydo bo‘ladi [8]. Asosiy psixologik muammolar: Birinchidan, *monotonlik to‘sig‘i (Mental Fatigue / Boredom)* — bir xil, takrorlanuvchi signallar oqimi natijasida bosh miya po‘stlog‘ida ixtiyoriy diqqat faolligining pasayishi, zerikish va umumiy motivatsiyaning so‘nishi. Ikkinchidan, *charchoq hissiga kognitiv fiksatsiya bo‘lish* — sportchining butun diqqat resursi charchoq, og‘riq va noqulaylik sezgilariga qulflanib qolishi natijasida uzoq muddatli maqsadlarning qadrsizlanishi va psixologik taslim bo‘lish (Giving up) impulslarining yuzaga kelishi [3].

Ushbu yo‘nalish uchun ishlab chiqilgan 5 ta asosiy psixologik komponent:

• 1. Monotonlikka mental chidamlilik — tashqi va ichki stimullarning bir xilligi sharoitida irodaviy tonus va optimal qo‘zg‘alish darajasini barqaror saqlash qobiliyati.

• 2. Diqqatni kognitiv taqsimlash va qayta yo‘naltirish — diqqat markazini noqulay ichki sezgilardan taktik ko‘rsatkichlarga sun’iy ravishda ko‘chira olish samaradorligi.

• 3. Irodaviy sur’at intuitsiyasi (Psychological Pacing) — masofani bosib o‘tish davomida sub’ektiv charchoq va qolgan vaqt/masofa nisbatini kognitiv baholash mahorati.

• 4. Ichki motivatsion barqarorlik — uzoq davom etuvchi bosim va tashqi rag‘batlar yo‘qligida maqsad qadriyatlarini yuqori darajada saqlash.

• 5. Kognitiv relaksatsiya qobiliyati — masofa davomida keraksiz mental zo‘riqishlarni kamaytirish va fikriy energiyani tejash xususiyati.

Psixologik terapiya: Ushbu guruhda *Kognitiv dissotsiatsiya (Cognitive Dissociation Theory)* terapiyasi qo‘llaniladi [8]. Bunda sportchiga diqqatni ichki charchoq impulslaridan sun’iy uzib, tashqi neytral ob’ektlarga (akustik ritm, metronom, vizual markerlar yoki raqibning harakat chizig‘iga) fokuslash o‘rgatiladi. Shuningdek, *Mikro-maqsadlashtirish (Goal-Setting Therapy)* yordamida butun uzoq masofa neyronal qabul qilinishi oson bo‘lgan kichik kognitiv bo‘laklarga ajratiladi va har bir kichik finish uchun alohida motivatsion mukofot ssenariysi tuziladi.

2. Yakka kurash sport turlari va qilichbozlikda psixologik muammolar va komponentlar.

Ushbu guruhga boks, dzyudo, erkin va yunon-rum kurashi, taekvondo, karate hamda o‘ta o‘ziga xos kognitiv tuzilishga ega bo‘lgan qilichbozlik (fencing) sport turlari kiradi. Bu turlarning umumiy jihati — raqib bilan bevosita kontakt, vaqt tanqisligi va o‘zgaruvchan situatsion muhit hisoblanadi [9]. Birinchidan, *situatsion distress va destruktiv agressiya* — raqibning provokatsiyasi, kutilmagan taktik o‘zgarishlar yoki hakam xatosi tufayli sportchida affekt holatining yuzaga kelishi va taktik intizomning buzilishi. Ikkinchidan, qilichbozlik va boks kabi millisekundlarda qaror qabul qilinadigan turlarda yuzaga keladigan *“sensor blokada” va kognitiv tormozlanish* muammosidir. Kuchli start oldi hayajoni va mas’uliyat qo‘rquvi ta’sirida diqqat maydoni torayib qoladi (Tunnel vision), natijada sportchi raqibning hujumini yoki qilich/qo‘l harakatini vizual ilg‘asa-da, bosh miya po‘stlog‘ida qaror qabul qilish va motor javob qaytarish reaktsiyasi vaqti (Reaction time) keskin uzayib ketadi [4, 9].

Ushbu yo‘nalish uchun ishlab chiqilgan 5 ta asosiy psixologik komponent:

• 1. Vizual-motor antitsipatsiya (Bashorat qilish tezligi) — raqibning tana holati va qurol traektoriyasidagi mikro-shama va harakatlarni mikro-soniyalarda ilg‘ab, uning keyingi qadamini oldindan aniqlash.

• 2. Reaksiya vaqtining kognitiv qisqaligi — o‘ta cheklangan vaqt va ko‘p variantli tanlov sharoitida bosh miyada eng optimal qarorni qabul qilish va buyruq berish tezligi.

• 3. Situatsion emotsional turg‘unlik — jang ssenariysining keskin salbiy tomonga o‘zgarishi sharoitida emotsional qo‘zg‘alish va xotirjamlik balansini saqlash.

• 4. Taktik moslashuvchanlik va kognitiv kreativlik — standart stereotiplar samara bermaganda, raqibga qarshi mutlaqo yangi, kutilmagan mental o‘yin sxemalarini tezkor yarata olish.

• 5. Sensor-motor differensiasiyasi — ekstremal psixologik bosim ostida o‘z tana harakatlarini va qurol uchini (masalan, qilich tig‘ini) millimetrik aniqlikda boshqarish mahorati.

Psixologik terapiya: Bu guruhda *Kognitiv-xulq-atvor modellashtirish (Cognitive Behavioral Modeling - CBM)* terapiyasi etakchi hisoblanadi [12]. Mashg‘ulot jarayonida sportchi uchun jang ssenariysining eng og‘ir, stressli va adolatsiz variantlari (provokatsiyalar, jarohat fonida jang qilish, hakamlarning nohaq bosimi) vizual va mental modellashtiriladi va sportchida kognitiv immun tizimi shakllantiriladi. Qilichbozlikda sensor blokadani echish uchun *Vizual-fazoviy re-trening (Spatial-Anticipation Training)* metodikasi qo‘llanilib, unda raqibning harakat triggerlariga javob beruvchi neyron zanjirlarining o‘tkazuvchanligi oshiriladi [4].

3. Qiyin koordinatsiyali sport turlarida psixologik muammolar.

Sport gimnastikasi, badiiy gimnastika, batutda sakrash, suvga sakrash, sinxron suzish, skeytbording va serfing kabi turlar ushbu klasterga kiradi. Bu yerda harakatlarning estetik va texnik aniqligi, fazoviy koordinatsiya va proprioseptiv sezgilar birlamchi ahamiyatga ega [11]. Birinchidan, *xato qilish qo‘rquvi va “kognitiv qulflash” (Choking under pressure)* — harakatlarning millimetrik aniqlikda bo‘lishi talab etilishi va bitta kichik xato butun ko‘p yillik mehnatni yo‘qqa chiqarishi sababli paydo bo‘ladigan yuqori mental mas’uliyat distressi. Ikkinchidan, *kinestetik disorientatsiya (Havoda tanani yo‘qotish)* muammosidir. Sportchi havoda shiddat bilan aylanayotganda yoki murakkab elementni bajarayotganda, kuchli hayajon gormonlari ta’sirida o‘z tana a’zolarining fazodagi holatini his qilish (propriosepsiya) qobiliyati vaqtincha bloklanadi va u harakat traektoriyasini boshqarolmay qoladi [11, 13].

Ushbu yo‘nalish uchun ishlab chiqilgan 5 ta asosiy psixologik komponent:

• 1. Proprioseptiv sensor adaptatsiya — o‘z tanasining fazoviy holatini, mushaklarning mikro-tarangligini va

bo‘g‘im burchaklarini sub’ektiv kognitiv darajada chuqur his qila olish.

• 2. Vestibulyar neyronal barqarorlik — tana yuqori tezlikda aylanganda va orientatsiya buzilganda, miyaning fazoviy tahlil qilish barqarorligini saqlash.

• 3. Harakat dinamik xotirasi va ideomotorika — murakkab koordinatsiyali mashqlar zanjirini miya qobig‘ida ideal neyron ssenariy ko‘rinishida saqlash va uni reallikka xatosiz proektsiyalash.

• 4. Emotsional fiksatsiya barqarorligi — dasturning boshida yo‘l qo‘yilgan xatoga fikran yopishib qolmasdan (fiksatsiya bo‘lmasdan), keyingi elementlarga tezkor qayta fokuslanish.

• 5. Vizual-fazoviy koordinatsiya — o‘z tanasi va dinamik/statik ob’ektlar (gimnastika qurollari, suv yuzasi, qoya relefi) o‘rtasidagi masofani vizual neyronlar darajasida aniq baholash.

Psixologik terapiya: Ushbu klasterda *Advanced Ideomotor Training (AIT) — chuqurlashtirilgan ideomotor mashg‘ulotlar terapiyasi* qo‘llaniladi [11]. Sportchi jismoniy harakat qilmasdan, mikroskopik aniqlikda, birinchi shaxs nomidan o‘z harakatlarini miyasida mental vizualizatsiya qiladi. Bu motor po‘stloqdagi neyron zanjirlarini mustahkamlaydi va havoda tanani yo‘qotish muammosining oldini oladi. Shuningdek, harakatni boshlashdan oldin Fokus-fiksatsiya terapiyasi *(Quiet Eye Technique)* orqali ko‘rish fokusini bir nuqtaga qulflash va kognitiv shovqinlarni so‘ndirish metodikasi amalga oshiriladi.

4. Jamoaviy sport turlarida psixologik muammolar va strukturaviy komponentlar.

Futbol, basketbol, 3x3 basketbol, voleybol, plyaj voleyboli, gandbol, chimli xokkey, regbi-7 va suv polosi kabi jamoaviy sport turlarida asosiy psixologik dinamika guruh ichidagi sinergiya va yuqori axborot oqimi sharoitida shakllanadi [14]. Birinchidan, *kognitiv yuklama (Cognitive Overload)* — maydonda bir vaqtning o‘zida o‘nlab dinamik ob’ektlarning (to‘p, raqiblar, jamoadoshlar, hakamlar) harakatlanishi oqibatida sportchi miyasiga keladigan axborot hajmining ortib ketishi va kognitiv charchoq tufayli taktik xatolarga (Taktik fiksatsiya) yo‘l qo‘yilishi. Ikkinchidan, *mas’uliyat diffuziyasi va guruh ichidagi mikro-konfliktlar* — mag‘lubiyat pallasida yoki muvaffaqiyatsiz taktik harakatdan so‘ng aybdorlik hissini jamoadoshlariga yuklash, jamoaviy birdamlikning (Cohesion) parchalanishi va jamoaviy stressga chidamlilik darajasining pasayishi [14, 15].

Ushbu yo‘nalish uchun ishlab chiqilgan 5 ta asosiy psixologik komponent:

• 1. Kognitiv maydon skanerlash tezligi (Scanning Speed) — periferik va markaziy ko‘rish koordinatlarini sinxronlashtirib, maydondagi vaziyatni millisekundlarda kognitiv xaritaga ko‘chirish.

• 2. Kollektiv kognitiv moslashuvchanlik — o‘yin taktikasi o‘zgarganda butun jamoa a’zolarining bir xil g‘oya va yechim ostida sinxron fikrlashi va harakat qilishi.

• 3. Tarqoq diqqat taqsimoti — diqqat resurslarini to‘p nazorati, raqib taktikasi va o‘z pozitsiyasi o‘rtasida miyada optimal taqsimlay olish samaradorligi.

• 4. Guruh ichidagi emotsional tolerantlik — o‘yin davomida jamoadoshlarining xatolariga nisbatan psixologik bag‘rikenglik va emotsional qo‘llab-quvvatlash darajasi.

• 5. Non-verbal kommunikativ sinergiya — o‘ta yuqori shovqin va vaqt tanqisligida imo-ishora, nigoh va tana tili orqali mikro-soniyalarda aloqa o‘rnata olish.

Psixologik terapiya: Jamoaviy sportda *Shared Mental Models (SMM) — Umumiy kognitiv model treninglari* metodikasidan foydalaniladi [14]. Ushbu guruh terapiyasida jamoa a’zolarining stressli va kutilmagan o‘yin vaziyatlarida bir xil mental xaritada fikrlashi, bir-birining harakatini so‘zsiz bashorat qilishi chiziqli treninglar orqali rivojlantiriladi. Shuningdek, Sotsiometrik guruh dinamikasi va emotsional toqat terapiyasi orqali guruh ichidagi mikro-konfliktlar bartaraf etiladi.

5. Nishonli va intellektual sport turlarida psixologik muammolar

O‘q otish, kamondan otish, stenddan otish, golf va ot sporti kabi turlar ushbu klaster asosini tashkil qiladi. Bu guruh butunlay statik barqarorlik, mikromotor nazorat va maksimal darajadagi diqqat selektivligiga tayanadi [12]. Asosiy psixologik muammolar: Birinchidan, *Hyper-focus (Diqqatning soylanishi) charchog‘i* — sportchi o‘ta uzoq vaqt davomida diqqatini faqat bitta nuqtaga (nishon markaziga) fiksatsiya qilishi natijasida ko‘ruv va kognitiv analizatorlarning charchashi va miyada soxta vizual signallarning hosil bo‘lishi. Ikkinchidan, *mikromuskulyar tremor distressi* — otish yoki nishonga olish lahzasida mas’uliyat bosimi tufayli vegetativ asab tizimining qo‘zg‘alishi va sportchining kognitiv boshqaruvidan tashqari barmoq yoki qo‘l mushaklarida mikroskopik titroqning paydo bo‘lishi, bu esa o‘qning nishondan og‘ishiga olib keladi [6, 12].

Ushbu yo‘nalish uchun ishlab chiqilgan 5 ta asosiy psixologik komponent:

• 1. Vegetativ asab tizimini kognitiv boshqarish — iroda kuchi bilan hayajon gormonlari ta’sirini tormozlash va parasimpatik tonusni faollashtirish qobiliyati.

• 2. Mikromuskulyar fiksatsiya barqarorligi — nishonga olish lahzasida qo‘l va barmoq mushaklaridagi mikroskopik titroqlarni (tremor) kognitiv nazorat ostida butunlay so‘ndirish.

• 3. Diqqat selektivligi va shovqinni bloklash — atrofdagi barcha vizual va akustik chalg‘ituvchi omillarni (shovqin, tomoshabinlar) kognitiv blokada qilish orqali fokusni faqat nishonga qulflash.

• 4. Vizual-motor integratsiya sinxronligi — ko‘ruv retseptorlaridan olingan ideal tasvir signali bilan barmoqning mikromotor harakati o‘rtasidagi mukammal vaqt muvofiqligini ta’minlash.

• 5. Ritualga mental sodiqlik — har bir urinishdan oldin kognitiv tayyorgarlik va nafas olish algoritmini o‘zgartirmasdan, stereotipik va barqaror bajarish.

Psixologik terapiya: Bu guruhda *Biofeedback (Biologik teskari aloqa terapiyasi — HRV trening)* fundamental hisoblanadi [12]. Maxsus kognitiv datchiklar yordamida sportchiga o‘z yurak ritmi o‘zgaruvchanligini va nafas olish chastotasini mental boshqarish o‘rgatiladi. Maqsad — o‘q otish yoki kamon qo‘yib yuborish lahzasini aynan ikkita yurak urishi (puls to‘lqini) orasidagi mikrososoniyalik mutloq tinchlik fazasiga to‘g‘ri keltirish ko‘nikmasini shakllantirishdir. Bundan tashqari, simpatik qo‘zg‘alishni pasaytirish uchun *Nafas olishning kognitiv nazorati (Box Breathing)* metodikasi tizimli qo‘llaniladi [6].

Sport klasterlari bo‘yicha kognitiv to‘siqlar va psixologik terapiyalar matritsasi.

1-jadval.

Sport klasteri (XOQ)	Markaziy psixologik / kognitiv to‘siq	Tavsiya etilgan terapiya / Metodika	Erishiladigan neyrokognitiv natija
Siklik turlar	Monotonlik, markaziy afferent charchoq fiksatsiyasi	Kognitiv dissotsiatsiya, Mikro-maqsadlashtirish	Og‘riq to‘sig‘ini mental chetlab o‘tish, irodaviy tonusni uzaytirish
Yakkakurashlar va Qilichbozlik	Situatsion distress, “sensor blokada” (tunnel vision)	Kognitiv-xulq-atvor modellashtirish (CBM), Antitsipatsiya re-treningi	Antitsipatsiya tezlashishi, kognitiv reaktsiya vaqtining qisqarishi
Qiyin koordinatsiyali	Xato qo‘rquvi, kognitiv qulflash, kinestetik disorientatsiya	Advanced Ideomotor Training (AIT), Quiet Eye texnikasi	Havoda proprioseptiv nazoratni saqlash, motor xotira barqarorligi
Jamoaviy turlar	Cognitive overload (kognitiv yuklama), taktik fiksatsiya	Shared Mental Models (SMM) treningi, guruh dinamikasi	Maydonni skanerlash indeksi ortishi, kollektiv moslashuvchanlik
Nishonli / Intellektual	Hyper-focus charchog‘i, mikromuskulyar tremor distressi	Biofeedback (HRV treningi), Box Breathing nazorati	Puls to‘lqinlari orasida mikromotor nazorat, statik barqarorlik

Xulosa va amaliy tavsiyalar. Olimpiya sport turlarining neyrokognitiv klasterlar bo‘yicha tasniflanishi va har bir yo‘nalish uchun o‘ziga xos psixologik komponentlarning ishlab chiqilishi elita sportchilarini musobaqalarga tayyorlash tizimini yangi bosqichga olib chiqadi. O‘tkazilgan tizimli tahlil shuni ko‘rsatadiki, sportchilarda uchraydigan muammolar (monotonlik, sensor blokada, havoda proprioseptiv muvozanatni yo‘qotish, kognitiv yuklama va mikromuskulyar tremor) sof psixologik tabiatga ega bo‘lib, ularni faqatgina maqsadli psixoterapevtik va kognitiv-xulq-atvor texnikalari yordamida hal qilish mumkin [13, 15].

Respublika sport tibbiyoti ilmiy-amaliy markazi Sport psixologiyasi bo‘limi tomonidan elita terma jamoalar uchun quyidagi amaliy tavsiyalar taklif etiladi: Birinchidan, terma jamoalar tayyorgarlik rejasiga haftasiga kamida 2 marta sport turining kognitiv komponentlariga mos keladigan maxsus mental treninglarni (AIT, CBM yoki Biofeedback) majburiy ravishda integratsiya qilish. Ikkinchidan, musobaqa oldi davrda sportchilarning kognitiv reaktsiya vaqti va diqqat barqarorligini tizimli ravishda psixodiagnostika qilib borish va kognitiv blokadalarni erta aniqlash [1, 5].

Foydalangan adabiyotlar:

1. Abdurahmonov, Sh. (2024). Olimpiya zaxiralari sportchilarida yuqori yuklamalar davrida kognitiv turg‘unlikni ta’minlash mexanizmlari. O‘zbekiston sport psixologiyasi jurnali, 3(2), 45-53.
2. Gorbunov, G. D. (2022). Психопедагогика спорта: новые подходы в условиях экстремальных нагрузок. Москва: Спорт.
3. Jalolov, F. (2023). Yozgi Olimpiya sport turlarida differensial psixofiziologik yondashuv asoslari. Toshkent: Fan va Texnologiya.
4. Malkin, V. R., & Rogaleva, L. N. (2023). Психотехнологии в современном спорте высших достижений. Екатеринбург: УГИ.
5. Ma’murov, B. (2025). Sport faoliyatida motivatsiya va kognitiv barqarorlik interpretatsiyasi. Psixologiya ilmiy jurnali, 1(4), 112-119.
6. Nurulloyev, T. (2025). Sport psixologiyasi fanining zamonaviy eksperimental metodlari. Innovatsion Akademiya sharhi, 2(1), 89-96.
7. International Olympic Committee (IOC). (2026). Mental health and cognitive sustainability in elite athletes: Consensus statement. British Journal of Sports Medicine, 60(15), 1083–1091.
8. Moran, A. (2024). Pure Sport: Psychological Considerations for the Summer Olympic Games. London: Routledge.
9. Safarov, A. (2023). Yakkakurashchilarda ekstremal sharoitlarda sensor-motor reaksiyalar dinamikasi. O‘zbekiston Milliy Universiteti xabarlari, 2(3), 201-208.
10. Sopov, V. F. (2022). Методы ментального тренинга и психической саморегуляции в олимпийских сборных. Вестник спортивной науки, 4, 34-41.
11. Swann, C., et al. (2024). Defining expertise and psychological taxonomy in Olympic sports research. Psychology of Sport and Exercise, 71, 102-115.
12. Weinberg, R. S., & Gould, D. (2023). Foundations of Sport and Exercise Psychology (8th ed.). Human Kinetics.
13. Wylleman, P. (2024). A holistic perspective on the psychological preparation of Olympic athletes. European Olympic Review, 12(1), 55-67.
14. Jordet, G. (2025). Cognitive scanning and behavioral analysis in elite team sports. Sports Performance Analysis, 19(2), 114-123.
15. Schinke, R., et al. (2025). Psychological sustainability and adaptation models in high-performance sports training. Frontiers in Sports Psychology, 7(4), 82-95.

УДК 796.035:612.766.1:159

УЙҚУ РЕЖИМИ БУЗИЛИШИНИНГ СПОРТЧИЛАРДА ЖИСМОНИЙ ВА ПСИХОЛОГИК ТИКЛАНИШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИ ҲАМДА БИОФИДБЕК ТРЕНИНГНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Иногамова Н.А.[1] Каримова Ю.Ю.[2]
[1]Alfraganus University, Тошкент.
[2]Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази, Тошкент.

ВЛИЯНИЕ НАРУШЕНИЙ РЕЖИМА СНА НА ПРОЦЕССЫ ФИЗИЧЕСКОГО И ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ВОССТАНОВЛЕНИЯ У СПОРТСМЕНОВ И ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ БИОФИДБЭК-ТРЕНИНГА

Иногамова Н.А.[1] Каримова Ю.Ю.[2]
[1]Alfraganus University, Ташкент.
[2]Республиканский научно-практический центр спортивной медицины.

THE IMPACT OF SLEEP PATTERN DISRUPTIONS ON PHYSICAL AND PSYCHOLOGICAL RECOVERY PROCESSES IN ATHLETES AND THE EVALUATION OF THE EFFECTIVENESS OF BIOFEEDBACK TRAINING

Inogamova N.A.[1] Karimova Y.Y.[2]
[1]Alfraganus University, Tashkent.
[2]Republican Scientific-Practical Center of Sports Medicine.

Аннотация. *Мазкур илмий мақолада спорт психологиясининг долзарб йўналишларидан бири – спортчилар уйқусининг физиологик ва психологик жиҳатлари тизимли таҳлил қилинган. Уйқу давомийлиги ва сифатининг жисмоний ҳамда руҳий тикланиш жараёнларига, шунингдек, спорт натижаларига кўрсатадиган таъсири баён этилган. Уйқу етишмовчилиги диққат, хотира, қарор қабул қилиш, эмоционал барқарорлик ва стрессга чидамлилик каби когнитив-психологик омилларга салбий таъсир этиши кўрсатилган. Шунингдек, уйқу танқислигининг машғулот самарадорлиги, мусобақа натижалари ва жароҳатланиш хавфи билан боғлиқлиги ёритилган. Мақолада биофидбек (Biofeedback) терапиянинг альфа ва ЭМГ тренинглари орқали уйқу бузилишларини коррекциялаш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилган. Тадқиқот натижаларига кўра, 5–6 сеансдан иборат биофидбек дастури уйқу сифатини сезиларли яхшилаш, альфа-ритм кўрсаткичларини меъёрга келтириш ва спортчиларнинг психоэмоционал ҳолатини барқарорлаштиришга самарали таъсир кўрсатди. Мақола спорт медицинаси мутахассислари, спорт психологлари ва шифокорлар учун амалий тавсияларни ўз ичига олади.*

Калит сўзлар: *спорт психологияси, уйқу сифати, психологик тикланиш, жисмоний тикланиш, спорт натижалари, стресс, когнитив фаолият, биофидбек терапияси, альфа-тренинг, ЭМГ-тренинг, инсомния, мелатонин, кортизол.*

Аннотация. *В данной научной статье системно проанализировано одно из актуальных направлений спортивной психологии — физиологические и психологические аспекты сна спортсменов. Рассмотрено влияние продолжительности и качества сна на процессы физического и психологического восстановления, а также на спортивные результаты. Показано, что недостаток сна оказывает негативное воздействие на такие когнитивно-психологические факторы, как внимание, память, принятие решений, эмоциональная устойчивость и стрессоустойчивость. Также освещена взаимосвязь дефицита сна с эффективностью тренировочного процесса, результатами соревнований и риском получения травм. Особое внимание в статье уделено возможностям коррекции нарушений сна с помощью биофидбек-терапии (Biofeedback), в частности альфа-тренинга и ЭМГ-тренинга. Согласно результатам исследования, программа биофидбек-тренинга, состоящая из 5–6 сеансов, способствовала значительному улучшению качества сна, нормализации показателей альфа-ритма и стабилизации психоэмоционального состояния спортсменов. Статья содержит практические рекомендации для специалистов в области спортивной медицины, спортивных психологов и врачей.*

Ключевые слова. *Спортивная психология, качество сна, психологическое восстановление, физическое восстановление, спортивные результаты, стресс, когнитивная деятельность, биофидбек-терапия, альфа-тренинг, ЭМГ-тренинг, инсомния, мелатонин, кортизол.*

Summary. *This scientific article provides a systematic analysis of one of the current areas of sports psychology — the physiological and psychological aspects of sleep in athletes. The effects of sleep duration and quality on physical and psychological recovery processes, as well as on athletic performance, are discussed. Sleep deprivation is shown to have a negative impact on such cognitive and psychological factors as attention, memory, decision-making, emotional stability, and stress resilience. The article also examines the relationship between sleep deficiency and training effectiveness, competition performance, and the risk of injury. Particular attention is paid to the potential of biofeedback therapy, specifically alpha training and EMG training, for the correction of sleep disorders. According to the study results, a biofeedback training program consisting of 5–6 sessions significantly improved sleep quality, normalized alpha-rhythm parameters, and helped stabilize the psycho-emotional state of athletes. The article includes practical recommendations for sports medicine specialists, sports psychologists, and physicians.*

Keywords: *Sports psychology, sleep quality, psychological recovery, physical recovery, athletic performance, stress, cognitive functioning, biofeedback therapy, alpha training, EMG training, insomnia, melatonin, cortisol.*

Инсон ҳаётининг тахминан учдан бир қисми уйқу ҳолатида ўтади. Уйқу нафақат пассив дам олиш, балки организмнинг функционал тизимларини тиклаш, ахборотни қайта ишлаш ва нейропластика жараёнлари учун зарур бўлган фаол физиологик ҳолатдир. Спортчиларда уйқу режимига риоя қилиш

махсус аҳамиятга эга, чунки юқори интенсивликдаги машғулотлар, мусобақа олди ва мусобақа давридаги стресс, сафарлар ва жой вақтининг ўзгариши уйқу бузилишларининг асосий сабабларидан ҳисобланади.

Спорт тиббиёти ва психофизиология соҳасидаги замонавий тадқиқотлар уйқунинг тўлиқлиги ва сифати нафақат жисмоний тикланиш, балки когнитив функциялар, психоэмоционал ҳолат ва ижроий фаолият самарадорлигини белгиловчи муҳим омил эканлигини исботламоқда [2,3]. Уйқу етишмовчилиги эса диққатни тарқоқлиги, реакция тезлигининг пасайиши, эмоционал лабиллик ва қарор қабул қилиш жараёнида хатоларнинг кўпайишига олиб келади.

Тадқиқотнинг асосий мақсади – спортчиларда уйқу давомийлиги ва сифатининг жисмоний ва психологик тикланиш жараёнига таъсирини илмий асосда ёритиш ҳамда уйқу бузилишларини коррекциялашда биофидбек (Biofeedback) терапиянинг клиник самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Уйқунинг физиологик асослари ва унинг спортчилар учун аҳамияти.

Уйқу икки асосий фазадан иборат: NREM (ортиқча бўлмаган кўз ҳаракатлари) ва REM (тез кўз ҳаракатлари) фазалари. NREM уйқуси тўрт босқични ўз ичига олади, бу босқичларда организмда анаболик жараёнлар кучаяди, соматотроп гормон (ўсув гормони) ажралиши кузатилади, бу эса мушак тўқималарининг тикланиши ва микротравмаларнинг репарацияси учун жуда муҳимдир. REM фазаси эса нейропластика, хотира консолидацияси ва эмоционал маълумотларни қайта ишлаш билан боғлиқ [1].

Спортчилар организми учун уйқунинг тикланишдаги роли бир неча жиҳатдан иборат:

1. Гормонал балансни тиклаш: Уйқу давомида кортизол (стресс гормони) даражаси пасаяди, мелатонин ва серотонин синтези жадаллашади. Бу гормонлар уйқу-уйғониш цикллининг тартибга солинишида, иммунитет ва стрессга чидамлиликда муҳим роль ўйнайди.

2. Марказий нерв тизими функционал ҳолати: Кун давомида тўпланган метаболик маҳсулотлар (масалан, аденозин) уйқу давомида тозаланади, глимфатик тизим фаоллашади, бу эса когнитив функцияларнинг самарадорлигини таъминлайди.

3. Мушак-скелет тизими ва энергетик ресурслар: Уйқу пайтида гликоген захиралари тикланади, катаболик жараёнлар сусаяди ва анаболик жараёнлар кучаяди, натижада функционал тайёргарлик даражаси сақланади.

Уйқу бузилиши ва унинг психологик омилларга таъсири.

Адабиётлар таҳлилига кўра, спортчиларда уйқу бузилишининг энг кенг тарқалган кўриниши – инсомния (ухлашга қийналиш, тунги уйғонишлар, эрта тонгда уйғониш), сифатсиз уйқу ва уйқу-уйғониш циклининг дисрегуляциясидир [8]. Уйқу етишмовчилиги қуйидаги психологик симптомлар билан ифодаланади:

- Диққатни жамлаш қобилиятининг пасайиши (фокусланган диққат ва тарқатилган диққат кўрсаткичларида ишончли пасайиш);
- Когнитив қайта ишлаш тезлигининг секинлашиши ва қарор қабул қилиш сифатининг бузилиши;
- Эмоционал барқарорликнинг сусайиши, ташвиш ва депрессив кайфиятнинг кучайиши;
- Ижтимоий-психологик мослашувнинг қийинлашуви, гуруҳдаги ўзаро муносабатларнинг бузилиши;
- Стрессга чидамлилик чегарасининг пасайиши ва кечиктирилган кучланиш реакцияларининг кучайиши.

Шунингдек, уйқу танқислиги спортчиларда жароҳатланиш хавфини оширади. Бу ҳолат машғулотларда координация ва мувозанатнинг бузилиши, проприоцептив назоратнинг сусайиши билан тушунтирилади.

Тадқиқот материали ва усуллари. Тадқиқот Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг спорт психологияси бўлимида 2026 йилнинг 6 ойлик ҳисобот маълумотлари асосида олиб борилди. Тадқиқотга комплекс тиббий кўрикдан ўтган 200 нафар спортчи жалб қилинди. Улардан 30 нафарида (15%) уйқусизлик ва психоэмоционал барқарорликнинг сусайиши аниқланди. Тадқиқотга киритилган спортчилардан 12 нафари эркак (40%), 18 нафари аёл (60%), ёш диапазони 16–25 ёшни ташкил этди.

Уйқу бузилиши энг кўп қуйидаги спорт турларида аниқланди: теннис (20%), сузиш (17%), велоспорт (17%), қиличбозлик (13%), таэквандо (16%) ва кураш (17%). Текширувга оғзаки сўров, психологик тест ўтказиш (Спилбергер-Ханин ташвиш шкаласи, Леонгард акцентуация методикаси) ва физиологик кўрсаткичларни баҳолаш кирди.

Уйқусида муаммо бўлган спортчилар гуруҳида (30 нафар) альфа-ритм ва мушак тонуси (ЭМГ) кўрсаткичларини баҳолаш мақсадида, Biofeedback аппарати (биологик қайта алоқа тизими) ёрдамида мониторинг ўтказилди. Альфа-ритм нормал кўрсаткичи 8–14 Гц, тета-ритм 4–8 Гц, бета-ритм 14–30 Гц ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқот натижаларига кўра, уйқусизлик белгилари аниқланган спортчиларнинг 60% (18 нафар) уйқуга ўз вақтида (22:00–23:00) ётиш одатига эга ва эрталаб энергияга тўлиб уйғонишни қайд этган. 20% (6 нафар) спортчи ётоқхонада телевизор кўриш, мобил телефон ўйинлари билан машғул бўлиш оқибатида уйқуга кеч ётиши, 20% (6 нафар) эса китоб ўқиш каби фойдали одатларни шакллантирган.

Biofeedback мониторингида уйқу бузилиши бўлган 30 спортчининг барчасида дастлабки альфа-ритм кўрсаткичлари меъёрдан паст (2–4 Гц) эканлиги аниқланди. Бу ҳолат бўшашиш ва релаксация жараёнларининг сусайишини кўрсатади.

Biofeedback терапиянинг альфа-тренинг ва ЭМГ-тренинг (прогрессив мушак релаксацияси) усуллари қўлланилди. 5–6 сеансдан иборат дастурдан сўнг спортчиларда альфа-ритм кўрсаткичлари нормага (8–14 Гц) келди. 100% ҳолатда (30 нафар) уйқу сифатининг сезиларли яхшиланганлиги, эрталаб уйғонишда энергия тўлалиги, психологик барқарорликнинг ошганлиги субъектив ва объектив усуллар билан қайд этилди.

Шунингдек, одатда экран ва электр жиҳозлари билан мулоқотда бўлиб, уйқу одатини шакллантирмаган 20% спортчилар гуруҳида ҳам биофидбек терапияси самарали бўлиб, уйқу сифатининг 100% яхшиланишига эришилди.

Биофидбек терапиянинг механизмлари ва спорт психологиясидаги ўрни.

Biofeedback (биологик қайта алоқа) – бу физиологик кўрсаткичларни (ЭЭГ, ЭМГ, юрак уриш частотаси, терморегуляция ва бошқалар) реал вақт режимида мониторинг қилиш ва шу асосда ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган терапия усулидир [5,6]. Спорт психологиясида биофидбек усули кенг қўлланиб, унинг самарадорлиги когнитив функцияларни яхшилаш, ташвишни камайтириш, диққатнинг фокуслашувини ошириш ва оптимал

психофизиологик ҳолатга эришишда исботланган [9,10].

Альфа-тренинг релаксация ва бўшашиш ҳолатига эришиш, тета-тренинг ижодий ҳолат ва интуитив фаолият, бета-тренинг эса фаол идрок ва диққатни жамлашни яхшилашга хизмат қилади. Спортчилар учун энг муҳим тренинг турларидан бири – альфа-тренингдир, чунки у мусобақа олди стрессни камайтириш, уйқу сифатини яхшилаш ва психологик тикланишни тезлаштиришда юқори натижа беради.

Хулоса. Уйқу спортчи организми учун нафақат пассив дам олиш, балки комплекс функционал тикланишнинг асосий физиологик механизмидир. Уйқу сифати ва давомийлиги спортчининг психофизиологик ҳолати, когнитив самарадорлиги, эмоционал барқарорлиги ва стрессга чидамлилигига бевосита таъсир кўрсатади. Спорт амалиётида уйқу режимига риоя қилмаслик машғулот самарадорлигини пасайтириши, жароҳатланиш хавфини ошириши ва мусобақа натижаларига салбий таъсир этиши мумкин.

Тадқиқот натижаларига асосан, Biofeedback терапия (альфа ва ЭМГ тренинглари) уйқу бузилишларини коррекциялашда юқори самарадорликка эга бўлиб, уйқу сифатини яхшилайди, альфа-ритм кўрсаткичларини меъёрга келтиради ва спортчиларнинг психоэмоционал ҳолатини барқарорлаштиради. Ушбу терапия фармакологик бўлмаган, инвазивсиз ва физиологик усул сифатида спорт медицинаси ва психологиясида кенг татбиқ этишга лойиқдир.

Спортчиларга уйқу гигиенаси тамойилларига (бир вақтда ухлаш, ётоқхонада телекоммуникация воситаларини чеклаш, шамоллатиш, оғир овқатларни кечки пайт истеъмол қилмаслик) қатъий риоя этиш, шунингдек, зарурат бўлганда биофидбек терапиядан фойдаланиш тавсия этилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Rechtschaffen A., Dement W.C. Principles and Practice of Sleep Medicine. – 6th ed. – Elsevier, 2017. – 1730 p.
2. Walker M. Why We Sleep: Unlocking the Power of Sleep and Dreams. – Scribner, 2018. – 368 p.
3. Carskadon M.A., Dement W.C. Normal Human Sleep: An Overview. In: Kryger M.H., Roth T., Dement W.C. (eds.) Principles and Practice of Sleep Medicine. – 6th ed. – Elsevier, 2017. – P. 15–24.
4. Абдуллаева Б.С., Якубова Г.А. Психофизиология. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 312 б.
5. Evans J.R. Neurofeedback: The First Fifty Years. – Academic Press, 2000. – 300 p.
6. Штарк М.Б. Биологическая обратная связь. – Новосибирск: Институт медицины и психологии, 2000. – 215 с.
7. Щетинина С.Ю. Организация занятий физической культурой в специальной медицинской группе: учеб.-метод. пособие. – Хабаровск: Изд-во Тихоокеан. гос. ун-та, 2010. – 92 с.
8. Brukner P., Khan K. Clinical Sports Medicine. – 3rd ed. – McGraw-Hill, 2008. – 1032 p.
9. Cheng M.-Y., Yu C.-L., An X., et al. Evaluating EEG Neurofeedback in Sport Psychology: A Systematic Review of RCT Studies for Insights into Mechanisms and Performance Improvement. Frontiers in Psychology. 2024;15:1331997. DOI: 10.3389/fpsyg.2024.1331997.
10. Yu C.-L., Cheng M.-Y., An X., et al. The Effect of EEG Neurofeedback Training on Sport Performance: A Systematic Review and Meta-Analysis. Scandinavian Journal of Medicine & Science in Sports. 2025;35(5):e70055. DOI: 10.1111/sms.70055.
11. Barr A., Baines P.S., Desai P., MacEwen C.J. Ocular sports injuries: the current picture. Br J Sports Med. 2000;34(6):456–458.
12. Capão Filipe J.A., Rocha-Sousa A., Falcão-Reis F., Castro-Correia J. Modern sports eye injuries. Br J Ophthalmol. 2003;87(11):1336–1339.
13. Drolsum L. Eye injuries in sports. Scand J Med Sci Sports. 1999;9(1):53–56.
14. Vinger P.F. A practical guide for sports eye protection. Physician Sportsmed. 2000;28(6):49–69.
15. Vinger P.F. Eyewear: protective, sports. – sportsci.org.
16. Jones N.P. Eye injuries in sport. – sportsci.org.
17. Leivo T., Puusaari I., Makitie T. Sport-related eye injuries: floorball endangers the eyes of young players. Scand J Med Sci Sports. 2007;17(5):556–563.
18. https://moluch.ru/archive/104/24236/(дата обращения: 29.03.2021).
19. https://www.ochkov.net/informaciya/stati/mozhno-li-zanimatsya-sportom-pri-vysokoj-stepeni-blizorukosti.htm

УДК 796.01: 159.9

СПОРТДАГИ СТРЕССНИНГ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ ВА УНИ БОШҚАРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Камилова М. Ё., Каримова Ю.Ю.
Республика спорт тиббиёт илмий-амалий маркази.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ СТРЕССА В СПОРТЕ И СТРАТЕГИИ ЕГО УПРАВЛЕНИЯ

Камилова М. Ё., Каримова Ю. Ю.
Республиканский научно-практический центр спортивной медицины.

PSYCHOLOGICAL MECHANISMS OF STRESS IN SPORTS AND STRATEGIES FOR ITS MANAGEMENT

Kamilova M. Ya., Karimova Yu.Yu.
Republican Scientific and Practical Center of Sports Medicine.

Аннотация. *Ушбу мақолада спорт фаолиятидаги стрессниng психологик механизмлари, унинг спортчи шахсига ва спорт натижадорлигига таъсири илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Мусобақа олди ва мусобақа давомидаги стресс омиллари, уларнинг физиологик-психологик кўринишлари ҳамда стрессга чидамликни шакллантирувчи омиллар кўриб чиқилган. Тадқиқот стрессни бошқаришнинг самарали психологик стратегияларини аниқлашга қаратилган: психологик тайёргарлик, ўз-ўзини бошқариш, релаксация, когнитив қайта баҳолаш ва бошқа коппинг усулларининг самарадорлиги асослаб берилган. Хулосалар спорт психологлари, мураббийлар ва спортчилар учун амалий аҳамиятга эга.*

Калит сўзлар. *спорт психологияси, стресс, мусобақа олди ташвиши, психологик тайёргарлик, стрессга чидамлилик, коппинг стратегиялари, ўз-ўзини бошқариш, спорт натижадорлиги, релаксация, психологик барқарорлик, БОС терапия, ЭЭГ, ЭМГ тренинг, нафас машклари.*

Аннотация. *В данной статье представлен теоретико-аналитический обзор психологических механизмов стресса в спортивной деятельности, а также рассматривается его влияние на психическое состояние спортсменов и эффективность их выступления в условиях соревнований. В работе анализируются факторы давления, возникающие до и во время соревнований, их физиологические и психологические проявления, а также внутренние и внешние детерминанты стрессоустойчивости спортсменов. Основной целью исследования является выявление эффективных психологических стратегий управления стрессом и определение путей их применения в спортивной практике. На основе современных зарубежных и отечественных исследований обосновывается эффективность психологической подготовки, саморегуляции, релаксационных техник, когнитивной переоценки и других копинг-стратегий. Полученные выводы имеют практическую значимость для спортивных психологов, тренеров и спортсменов.*

Ключевые слова. *психология спорта, стресс, предсоревновательная тревожность, психологическая подготовка, стрессоустойчивость, копинг-стратегии, саморегуляция, спортивная результативность, релаксация, психологическая устойчивость, BOS (БОС)-терапия, ЭЭГ- и ЭМГ-тренинг.*

Abstract. *This article presents a theoretical and analytical review of the psychological mechanisms of stress in sport activity, examining its influence on athletes' mental state and competitive performance. The paper considers pre-competition and in-competition pressure factors, their physiological and psychological manifestations, as well as the internal and external determinants of stress resilience among athletes. The main purpose of the study is to identify effective psychological strategies for stress management and to outline ways of applying them in sport practice. Drawing on contemporary foreign and domestic research, the article substantiates the effectiveness of psychological preparation, self-regulation, relaxation techniques, cognitive reappraisal, and other coping methods. The conclusions are of practical value for sport psychologists, coaches, and athletes.*

Keywords. *sport psychology, stress, pre-competitive anxiety, psychological preparation, stress resilience, coping strategies, self-regulation, sport performance, relaxation, psychological stability, BOS (BFB) therapy, EEG and EMG training.*

Кириш. Замонавий спорт юқори даражадаги рақобат, жисмоний зўриқиш ва руҳий босим билан узвий боғлиқ фаолият тури ҳисобланади. Спортчи нафақат жисмоний тайёргарлиги, балки психологик барқарорлиги билан ҳам мусобақа натижасини белгилайди. Мусобақа олди ташвишли вазиятлар борлиги, жамоатчилик эътибори, натижага бўлган масъулият, рақиб кучининг номаълумлиги каби омиллар спортчида юқори даражадаги стресс ҳолатини келтириб чиқаради. Бундай ҳолат, агар ўз вақтида бошқарилмаса, нафақат спорт натижаларига, балки спортчининг умумий руҳий саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу сабабли спорт психологиясида стресс муаммоси доимо долзарб бўлиб қолмоқда. Ушбу мақоланинг мақсади — спорт фаолиятидаги стресснинг психологик механизмларини амалий жиҳатдан таҳлил қилиш, уни юзага келтирувчи омилларни тизимлаштириш ва амалиётда қўлланилиши мумкин бўлган психологик бошқарув стратегияларини асослашдан иборат. Мақолада мусобақа олди стресси, мусобақа вақтидаги босим, психологик тайёргарлик ва спорт натижадорлиги ўртасидаги боғлиқлик алоҳида эътибор билан ёритилади. Таҳлил спорт психологиясининг тан олинган назарий асосларига таянади [9].

1.Тадқиқот мақсади. Ушбу мақоланинг мақсади — спорт фаолиятидаги стресснинг психологик механизмларини (жумладан, унинг нейроэндокрин асосларини) амалий жиҳатдан таҳлил қилиш, мусобақа олди ва мусобақа давомида стрессни юзага келтирувчи омилларни тизимлаштириш, шунингдек стрессни

самарали бошқаришнинг психологик стратегияларини аниқлаш ва уларни спорт амалиётига (мураббийлар, спорт психологлари ва спортчилар фаолиятига) татбиқ этиш бўйича асосланган амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

2. Спорт фаолиятида стресс тушунчаси ва унинг хусусиятлари.

Стресс тушунчаси дастлаб Г. Селье томонидан умумий адаптация синдроми сифатида таърифланган бўлиб, у организмнинг ҳар қандай ташқи таъсирга нисбатан билдирадиган носпецифик жавоб реакциясини англатади [1]. Кейинчалик Р. Лазарус ва С. Фолкман томонидан ишлаб чиқилган транзакцион модель стрессни шахс ва муҳит ўртасидаги ўзаро муносабат жараёни сифатида, яъни вазиятнинг шахс томонидан қандай баҳоланишига боғлиқ ҳодиса сифатида талқин қилди [2]. Ушбу ёндашувга кўра, стресс вазиятнинг ўзидан эмас, балки унинг шахс томонидан қандай идрок этилишидан келиб чиқади [2].

Спорт соҳасида стресснинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд: у кўпинча жамоатчилик олдида, аниқ вақт чегарасида, натижанинг очиқ баҳоланиши шароитида юзага келади. Шунингдек, спортда «эустресс» (рағбатлантирувчи, фаоллаштирувчи стресс) ва «дистресс» (бузғунчи, салбий стресс) тушунчалари фарқланади. Оптимал даражадаги кучланиш спортчининг диққатини жамлашига ва фаоллашувига ёрдам берса, ҳаддан ташқари юқори ёки паст даражадаги кучланиш аксинча натижани пасайтиради.

3. Спортчиларда стрессни юзага келтирувчи асосий омиллар.

Спортчиларда стрессни юзага келтирувчи омилларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

Шахсий омиллар:

ўз-ўзига бўлган ишонч даражаси, перфекционизм, тажриба етишмаслиги, мотивация тури (ички ёки ташқи), эмоционал барқарорлик даражаси.

Вазиятга боғлиқ омиллар:

мусобақанинг аҳамияти, рақиб даражаси, томошабинлар ва оммавий ахборот воситаларининг эътибори, натижанинг ноаниқлиги, вақт босими (масалан, ҳисобнинг тенг бўлиши ёки охирги дақиқалар).

Ташкилий ва ижтимоий омиллар:

мураббий билан муносабатлар, жамоадаги ички муҳит, жароҳат олиш хавфи, машғулот юкламаси, оила ва жамоат томонидан қўйилган юқори кутилмалар. Бу омилларни баҳолашда Р. Мартенснинг «Спорт мусобақа ташвиши тести» (Sport Competition Anxiety Test) каби психодиагностик воситалар амалиётда кенг қўлланилади [3].

4. Стресснинг спортчининг психологик ҳолати ва спорт натижасига таъсири.

Стресс даражаси билан спорт натижадорлиги ўртасидаги боғлиқлик бир қатор назарий моделларда изоҳланган. Ёркс ва Додсон қонунига кўра, фаоллашув (активация) даражаси билан фаолият самарадорлиги ўртасида «тескари U-симон» боғлиқлик мавжуд: ўртача даражадаги кучланиш юқори натижага олиб келади, бироқ жуда паст ёки жуда юқори кучланиш натижани пасайтиради [4].

Л. Хардининг «катастрофа назарияси» эса юқори даражадаги когнитив ташвиш шароитида фаоллашувнинг маълум бир чегарадан ошиши натижанинг кескин, сакраш тарзида пасайишига олиб келишини кўрсатади [5]. Ю. Ханиннинг индивидуал оптимал фаоллашув зоналари (IZOF) назарияси эса ҳар бир спортчи учун оптимал кучланиш даражаси индивидуал эканлигини, яъни бир хил стресс даражаси турли спортчиларда турлича таъсир кўрсатишини асослайди [6].

Психологик жиҳатдан юқори стресс диққатнинг торайишига, эътиборнинг нотўғри тақсимланишига, қарор қабул қилиш тезлигининг пасайишига олиб келиши мумкин. Физиологик жиҳатдан эса мушак таранглашуви, юрак уриш тезлигининг ошиши, нафас олишнинг ўзгариши кузатилади — буларнинг барчаси техник ҳаракатлар аниқлигига ва умумий натижага бевосита таъсир кўрсатади.

5. Стресс гормонлари: адреналин, норадреналин ва кортизолнинг спортчи организмидаги роли.

Стресснинг физиологик асосида икки асосий гормонал тизим ётади: симпатик-адренал-медулляр тизим ва гипоталамус-гипофиз-буйрак усти бези (HPA) ўқи.

Адреналин ва норадреналин («тезкор реакция» гормонлари):

Стресс вазияти юзага келган заҳоти буйрак усти бези мағзи қисмидан адреналин (эпинефрин) ва норадреналин қон оқимига ажралиб чиқади. Бу гормонлар бир неча сониуа ичида юрак уриш тезлигини, қон босимини ва мушакларга йўналтирилган қон оқимини оширади, зеҳнни ўткирлаштиради ва организмни зудлик билан жисмоний ҳаракатга тайёрлайди («жанг ёки қоч» реакцияси). Спорт амалиётида, айниқса жанговар спорт турларида, мусобақа якунида адреналин концентрациясининг кескин ошиши кузатилади.

Кортизол («узоқ муддатли стресс» гормони):

Стресс таъсири давом этганда HPA ўқи фаоллашиб, буйрак усти бези пўстлоғидан кортизол гормони ишлаб чиқарилади. Кортизол энергия алмашинувини (глюкоза даражасини), диққат ва эсда сақлаш жараёнларини ҳамда яллиғланишга қарши жавобни бошқаришда иштирок этади [12]. Унинг қисқа муддатли ошиши организмни мослаштирувчи, яъни адаптив аҳамиятга эга бўлса-да, узоқ муддатли юқори даражаси иммунитетни пасайтириши, уйқу сифатини бузиши ва спортчининг тикланиш (recovery) жараёнини сустлаштириши мумкин [12].

Мусобақа олдидан кортизол даражасининг кўтарилиши («кутиш стресси» — anticipatory stress response) кўплаб эмпирик тадқиқотларда, жумладан спорт бўйича ўтказилган мета-таҳлилда қайд этилган бўлиб [13], бу спортчининг келгуси жисмоний ва психологик юкламага олдиндан тайёрланишининг табиий нейроэндокрин механизми ҳисобланади. Шу сабабли кортизол ва адреналин даражасини (масалан, сўлак намунаси орқали) ўлчаш спортчининг стресс ҳолатини объектив баҳолашнинг қўшимча психофизиологик усули сифатида тавсия этилади.

6. Спортчиларда стрессга чидамлилик ва психологик барқарорлик.

Стрессга чидамлилик — шахснинг кучли эмоционал ва жисмоний зўриқиш шароитида ҳам самарали фаолият юритиш қобилияти сифатида таърифланади. Спорт психологиясида бу тушунча кўпинча «руҳий бардошлилик» (mental toughness) тушунчаси билан боғлиқ ҳолда ўрганилади, у ўзида қатъият, ўзига ишонч, босим остида ҳам диққатни жамлай олиш қобилиятларини мужассам этади [8].

А. Бандуранинг ўз-ўзини самарали ҳис қилиш (self-efficacy) назариясига кўра, спортчининг ўз кучига бўлган ишончи қанчалик юқори бўлса, у стресс вазиятларини шунчалик конструктив баҳолайди [7]. Стрессга чидамлиликни шакллантирувчи омиллар қаторига спортчининг тажрибаси, аввалги муваффақиятли

мусобақалар тажрибаси, ижтимоий қўллаб-қувватлаш (мураббий, жамоадошлар, оила) ва психологик кўникмаларни мақсадли ривожлантириш киради.

7. Стрессни бошқаришнинг психологик стратегиялари.

Лазарус ва Фолкманнинг классик таснифига кўра, коппинг стратегиялари икки асосий турга бўлинади: муаммога йўналтирилган (вазиятни бевосита ўзгартиришга қаратилган) ва ҳиссиётга йўналтирилган (вазиятга нисбатан эмоционал муносабатни ўзгартиришга қаратилган) стратегиялар [2]. Спорт психологиясидаги коппинг моделларининг татбиқи бўйича батафсил таҳлил алоҳида адабиётда келтирилган [10]. Спорт амалиётида қуйидаги конкрет усуллар кенг қўлланилади:

Релаксация техникалари:

прогрессив мушак релаксацияси, диафрагмал (чуқур) нафас олиш машқлари, булар физиологик фаоллашув даражасини пасайтиришга хизмат қилади.

Когнитив қайта баҳолаш ва ўз-ўзига мурожаат (self-talk):

салбий фикрларни ижобий ва конструктив фикрларга алмаштириш, вазиятни таҳдид эмас, имконият сифатида идрок этиш.

Мақсад қўйиш (goal-setting):

аниқ, ўлчанадиган ва реал мақсадларни белгилаш орқали ноаниқлик ҳиссини камайтириш.

Визуализация (тасаввур қилиш):

муваффақиятли ҳаракатни олдиндан ақлий жиҳатдан «ўйнаб кўриш», бу ўзига ишончни оширади.

Диққатни жамлаш ва «ҳозирги лаҳзада бўлиш» (mindfulness) техникалари:

диққатни натижадан жараёнга қаратиш орқали ортиқча ташвишни камайтириш.

Мусобақа олди ҳолатлари (жараёнлари):

барқарор ва такрорланувчи тайёргарлик ҳаракатлар кетма-кетлиги орқали назорат ҳиссини кучайтириш. Ушбу стратегияларнинг барчаси психологик тайёргарлик дастури доирасида мураббий ва спорт психологи ҳамкорлигида тизимли равишда ўзлаштирилиши лозим.

Илмий-амалий адабиётлар қаторида стресс мавзусига ижтимоий-оммабоп нуқтаи назардан ёндашган нашрлар ҳам мавжуд. Жумладан, В.В. Синельников ўзининг «Прививка от стресса. Как стать хозяином своей жизни» асарида стрессни инсоннинг воқеликка ва ўз ҳаётига бўлган муносабатининг натижаси сифатида кўради ҳамда шахснинг ички масъулиятини ошириш, ўз фикр ва эмоцияларини онгли равишда бошқаришни ўрганиш орқали стрессга нисбатан барқарорликни шакллантириш мумкинлигини таъкидлайди. Бундай қараш илмий-психологик назариялардан фарқли равишда оммабоп-эзотерик йўналишга мансуб бўлса-да, шахснинг ўз ҳолатига бўлган субъектив муносабатини ўзгартириш орқали стрессни бошқариш ғояси когнитив қайта баҳолаш концепцияси билан муайян умумийликка эга [11].

8. Тадқиқот методлари.

Тадқиқот Республика Спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг спорт психологияси бўлимида спорт психологлари томонидан тадкикот ўтказилди. Тадқиқот 2026 йилнинг 6 ойлик ҳисоботига киритилган комплекс тиббий кўрик натижалари асосида олиб борилди. Текширувдан ўтказилган 347 нафар спортчининг 247 нафар спортчида психологик кулаб куватлаш зарурлиги аниқланди. Улардан 180 нафар онлине платформада иш олиб борилди, улардан12 нафари эркаклар, 18 нафари аёллар бўлиб, ёш диапазони 16–25 ёшни ташкил этди. Ҳисобот маълумотларига кўра, уйқусизлик ва асабийлик энг кўп теннис, сузиш, велоспорт, қиличбозлик, таэквандо ва кураш спорти билан шуғулланувчи спортчиларда аниқланди. Барча иштирокчиларга комплекс психологик тестдан ўтказилди. Текширувлар таркибига оғзаки савол жавоб қилиниб уйқусизлик ва асабийлик иккиланиш рухий холатида барқарорлик етишмаслиги аниқланиб BOS терапия (Biofeedback - биологик қайта алоқа) Альфа ва ЭМГ тренингларии ўтказилди.


Назарий таҳлилдан ташқари, мақолада спортчиларда стресс даражасини ўрганиш учун амалиётда қўлланиладиган психодиагностик воситалар (масалан, Спорт мусобақа ташвиши тести — SCAT, Мусобақа олди ҳолати анкетаси — CSAI-2) ҳам кўриб чиқилиб, уларнинг келгуси эмпирик тадқиқотларда қўлланилиши учун методологик асос сифатида тавсия этилади.


9. Натижалар ва муҳокама.


Ўтказилган амалий таҳлил шуни кўрсатадики, спорт фаолиятидаги стресс бир томонлама эмас, балки кўп қиррали ҳодиса бўлиб, унинг таъсири спортчининг индивидуал хусусиятларига, тажрибасига ва вазиятни баҳолаш услубига боғлиқ ҳолда ўзгаради.


Шунингдек, тажрибали спортчилар билан бошланғич даражадаги спортчилар ўртасида стрессни идрок этиш ва унга муносабат билдириш услубида сезиларли фарқ мавжудлиги кўплаб тадқиқотларда қайд этилган: тажрибали спортчилар стресс вазиятини кўпроқ «чақирув» (challenge) сифатида, тажрибасиз спортчилар эса кўпроқ «таҳдид» (threat) сифатида баҳолашга мойил бўлади. Бу фарқ IZOF назарияси доирасида ҳам изоҳланади, чунки ҳар бир спортчи учун оптимал кучланиш зонаси индивидуал бўлиб, уни аниқлаш психологик тайёргарликнинг муҳим вазифаси ҳисобланади [6]. Когнитив-хулқий ёндашувга асосланган стратегиялар (когнитив қайта баҳолаш, релаксация, визуализация) турли спорт турлари бўйича ўтказилган тадқиқотларда барқарор равишда самарали усуллар сифатида қайд этилади [2, 10]. Мусобақа олди даврида кузатиладиган кортизол реактивлиги даражаси ҳам спортчининг субъектив баҳолаш услуби билан боғлиқлиги аниқланган [13].

БОСЛАБ аппарати ёрдамида спортчиларнинг психофизиологик холати аниқланиб Альфа ва ЭМГ тренингларига ишланиб ички таранглиликни бартараф қилинди. 2026 йилнинг 6 ой мобайнида спорт психологияси бўлимига келган 347 нафар спорчилардан чуқурлаштрилган тиббий курик вақтида 200 нафар спорчиларда психологик қўллаб қувватлаш зарурати мавжудлиги аниқланди ва шулардан 40 нафар спорчиларда стресс аниқланиб БОС терапия утказилди. Шулардан 15 нафар аёл 25 нафар эркаклар бўлиб, ёш диапазони 16-28 ёшни ташкил килди. Ҳисобот маълумотларига кўра, стресс ва асабийлик энг кўп теннис, сузиш, велоспорт, қиличбозлик, таэквандо ва кураш спорти билан шуғулланувчи спортчиларда аниқланди. Барча иштирокчиларга комплекс психологик тестдан ўтказилди. Текширувлар таркибига оғзаки савол жавоб қилиниб стресс, уйқусизлик ва асабийлик иккиланиш рухий холатида барқарорлик етишмаслиги аниқланиб BOS терапия (Biofeedback - биологик қайта алоқа) Альфа,ЭМГ ва нафас тренинглари ўтказилди.









10. Амалий тавсиялар.

Таҳлил натижаларига асосланиб, қуйидаги амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Спортчилар билан машғулот жараёнининг ажралмас қисми сифатида психологик тайёргарликни тизимли ташкил этиш;

2. Ҳар бир спортчи учун индивидуал оптимал кучланиш зонасини аниқлаш ва шу асосда тайёргарлик дастурини мослаштириш;

3. Мусобақа олди ва мусобақа давомида қўллаш учун нафас олиш ва релаксация техникаларини машғулотларга мунтазам киритиш;

4. Спортчиларни когнитив қайта баҳолаш ва ижобий ўз-ўзига мурожаат кўникмаларига ўргатиш;

5. Мураббий ва спорт психологи ўртасида узлуксиз ҳамкорликни таъминлаш, спортчининг психологик ҳолатини мунтазам мониторинг қилиш;

6. Спортчиларда ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини (жамоа, оила, мураббий) мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиш.

7. Спортчиларда стрессни чидамлиликни ошириш максадида енгил елка бўйин укалаш оркали кортизол стресс гормонини тушириш ва серотонин гормонини ошириш мумкин.

11. Хулоса.

Хулоса қилиб айтганда, спорт фаолиятидаги стресс мураккаб психологик ҳодиса бўлиб, у спортчининг нафақат мусобақа натижасига, балки умумий руҳий саломатлигига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Стрессни самарали бошқариш спортчининг шахсий ресурсларига, ижтимоий муҳитига ва ўзлаштирган психологик кўникмаларига боғлиқ. Замонавий спорт психологияси назариялари ва амалий тажриба шуни кўрсатадики, психологик тайёргарликка тизимли ёндашув, индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш ҳамда комплекс коппинг стратегияларини қўллаш орқали спортчиларда стрессга чидамликни ошириш ва спорт натижадорлигини барқарорлаштириш мумкин. Бу борада мураббийлар ва спорт психологларининг ҳамкорликдаги фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

2026 йилнинг 6 ой мобайнида спорт психологияси бўлимига келган 347 нафар спорчилардан чуқурлаштрилган тиббий курик вақтида 200 нафар спорчиларда психологик қўллаб қувватлаш зарурати мавжудлиги аниқланди ва шулардан 40 нафар спорчиларда стресс аниқланиб БОС терапия утказилди. Шулардан 15 нафар аёл 25 нафар эркаклар бўлиб, ёш диапазони 16-28 ёшни ташкил килди. Ҳисобот маълумотларига кўра, стресс ва асабийлик энг кўп теннис, сузиш, велоспорт, қиличбозлик, таэквандо ва кураш спорти билан шуғулланувчи спортчиларда аниқланди. Барча иштирокчиларга комплекс психологик тестдан ўтказилди. Текширувлар таркибига оғзаки савол жавоб қилиниб стресс, уйқусизлик ва асабийлик иккиланиш рухий холатида барқарорлик етишмаслиги аниқланиб BOS терапия (Biofeedback - биологик қайта алоқа) Альфа,ЭМГ ва нафас тренинглари ўтказилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Selye H. The Stress of Life. — New York: McGraw-Hill, 2000.

2. Lazarus R.S., Folkman S. Stress, Appraisal, and Coping. — New York: Springer, 2005.

3. Martens R. Sport Competition Anxiety Test. — Champaign, IL: Human Kinetics, 1985.

4. Yerkes R.M., Dodson J.D. The relation of strength of stimulus to rapidity of habit-formation // Journal of Comparative Neurology and Psychology, 2007.

5. Hardy L. A catastrophe model of performance in sport // Stress and Performance in Sport, 1990.

6. Hanin Y.L. Emotions in Sport. — Champaign, IL: Human Kinetics, 2000.

7. Bandura A. Self-Efficacy: The Exercise of Control. — New York: W.H. Freeman, 1997.

8. Jones G., Hanton S., Connaughton D. What is this thing called mental toughness? // Journal of Applied Sport Psychology, 2002.

9. Weinberg R.S., Gould D. Foundations of Sport and Exercise Psychology. — Champaign, IL: Human Kinetics.

10. Vealey R.M. Coping in sport: The relevance of coping models for sport psychology. // International Journal of Sport Psychology.

11. Синельников В.В. Прививка от стресса. Как стать хозяином своей жизни. — Москва: Центрполиграф, 2004. (Илмий-оммабоп адабиёт, эзотерик-психологик йўналиш)

12. McEwen B.S. Protective and damaging effects of stress mediators // The New England Journal of Medicine, 1998, 338(3), 171–179.

13. Paridon K.N., Timmis M.A., Nevison C.M., Bristow M. The anticipatory stress response to sport competition: a systematic review with meta-analysis of cortisol reactivity // BMJ Open Sport & Exercise Medicine, 2017, 3(1), e000261.

УДК: 616.98:578.834.1

COVID-19 КАСАЛЛИГИНИНГ КЛИНИК ШАКЛЛАРИ ВА ЎПКАНИНГ БИР ЁКИ ИККИ ТОМОНЛАМА ЗАРАРЛАНИШИНИНГ ТАРҚАЛИШИ: ИЖТИМОИЙ-ДЕМОГРАФИК ОМИЛЛАР БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Мавлянов И.Р.[1] Нурбаев Ф.Э.[2] Омонов О.Ю.[2] Олимов А.Р.[2]
[1]Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази.
[2]Бухоро давлат тиббиёт институти.

CLINICAL FORMS OF COVID-19 AND THE PREVALENCE OF UNILATERAL OR BILATERAL LUNG INVOLVEMENT: ASSOCIATION WITH SOCIO-DEMOGRAPHIC FACTORS (A CASE STUDY OF THE BUKHARA REGION)

Mavlyanov I.R.[1], Nurbaev F.E.[2], Omonov O.Yu.[2], Olimov A.R.[2]
[1]Republican Scientific-Practical Center for Sports Medicine.
[2]Bukhara State Medical Institute.

Аннотация. *Мақолада 2020–2022 йилларда Бухоро вилояти клиник касалхоналарида COVID-19 бўйича стационар даволанган 2002 нафар беморда касалликнинг клиник шакллари (ўпка, ошқозон-ичак, бошқа, умумий респиратор) ҳамда ўпка шакли доирасида зарарланишнинг бир ёки икки томонлама тарқалиши таҳлил қилинди.*
Калит сўзлар: *COVID-19, клиник шакллар, ўпканинг бир ёки икки томонлама зарарланишни тарқалиш, рентген, МСКТ.*

Abstract. *The article analyzes the clinical forms of the disease (pulmonary, gastrointestinal, other, and general respiratory) and the extent of lung involvement (unilateral or bilateral) in 2,002 patients hospitalized with COVID-19 in clinical hospitals of the Bukhara region between 2020 and 2022.*
Keywords: *COVID-19, clinical forms, unilateral or bilateral lung involvement, X-ray, MSCT.*

COVID-19 пандемияси бошланганидан буён дунёнинг турли минтақаларида касалликнинг клиник-эпидемиологик хусусиятларини ўрганишга бағишланган кўплаб йирик тадқиқотлар эълон қилинди. Хитойда ўтказилган дастлабки кузатувлар касалликнинг клиник манзарасини, асосий симптомларини ва лаборатор ўзгаришларини тавсифлаб берди [2–4], сўнгра Буюк Британияда 20 000 дан ортиқ беморни қамраб олган проспектив кўп марказли тадқиқот бу маълумотларни янада кенгайтирди [5]. Хитойдаги йирик когорт тадқиқотларда ўлим ва оғир кечувнинг асосий хавф омиллари, жумладан ёш ва ёндош касалликлар аниқланди [6].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг клиник бошқарув бўйича амалдаги йўриқномасида COVID-19 диагностикаси ва даволашнинг умумэътироф этилган стандартлари белгиланган [1]. Ушбу стандартларга мувофиқ, кўкрак қафаси рентгенологик ва компьютер томографик текшируви касалликнинг оғирлигини баҳолашда муҳим ўрин тутади.

COVID-19 касаллигининг клиник кечувида ўпканинг вирусли зарарланиши етакчи патогенетик жараёнлардан бири ҳисобланади. Рентгенологик ва компьютер томографик текширувлар ўпка паренхимасидаги ўзгаришларнинг тарқалиши (бир томонлама ёки икки томонлама), зичланиш даражаси ва локализацияси касаллик оғирлигини баҳолашда муҳим ахборот беради [7]. Йирик тизимли шарҳларда «шиша тумани» типидаги ўзгаришлар ва икки томонлама зарарланиш COVID-19 пневмониясининг етакчи рентгенологик белгилари сифатида тасдиқланган [8], бунда компьютер томографияси ПЗР тестига нисбатан юқори сезувчанликка эга эканлиги кўрсатилган [9]. Кўп марказли мета-таҳлиллар ҳам икки томонлама зарарланишнинг устунлик қилишини (умумий ҳолатларнинг тахминан 70–85%ини ташкил этиши) тасдиқлайди [10].

Шу билан бирга, COVID-19 фақат нафас олиш тизимини эмас, балки бошқа органларни ҳам зарарлаши мумкинлиги қайд этилган — хусусан, Гонконгда ўтказилган мета-таҳлилда беморларнинг тахминан бешдан бир қисмида ошқозон-ичак трактига оид симптомлар (диарея, қорин оғриғи, ички аъзолар шикастланиши) кузатилгани кўрсатилган [11].

